

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

ҲАЙДАРАЛИ МУҲАМЕДОВ

**ФРАНЦИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРДА
КОНСТИТУЦИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент 2004

67.3

M96

ТДЮИ Илмий-услубий кенгашининг 2004 йилда 29 апрел 8-сонли қарори билан ўқув қўлланмаси сифатида нашрга тавсия қилинган.

Такризчилар: **Ҳ.Б.Бобоев**, юридик фанлари доктори,
профессор,
Р.Ю.Юсуфалиева, юридик фанлари
номзоди,
М.А.Хамидова, юридик фанлари номзоди

M96 Мухамедов Ҳ.М. Франциянинг янги даврда конституциявий ривожланиши: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2004. -84 бет.

Сарлавҳада: ЎзР Адлия вазирлиги. Тошкент Давлат юридик институти.

Ўқув қўлланма Франциянинг 1789-1794 йилларидаги буюк француз инқилобидан то энг янги давргача конституциявий тарихий ва ижтимоий-сиёсий тузумининг асосий хусусиятлари ёритилган.

Қўлланма ҳуқуқшунослик ва тарих йўналиши бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳамда тадқиқотчи мутахасислар учун мўлжалланган.

ББК 67.3

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

© Ҳайдарали Мухамедов.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2004 й.

Янги даврда Франциянинг ривожланиши

- 1789-1794 йиллардаги буюк француз инқилоби, унинг шарт-шароитлари, босқичлари ва хусусиятлари.
- Францияда илк конституциявий монархия ва унинг давлат тузуми.
- Жирондистлар республикаси.
- Якобинчилар диктатураси.
- Термидорчилар давлат тўнтариши ва Директория ҳукмронлиги.
- Консуллик ва империя даврида (1788 йил ноябрь-1814 йил апрель) Франциянинг давлат тузуми.
- Францияда қонуний монархия ва июль империяси. 1814 ва 1830 йиллардаги «Хартиялар».
- Иккинчи республика ва 1848 йилги Конституция
- Луи Бонапартнинг 1851 йилги давлат тўнтариши ва иккинчи империянинг давлат тузуми.
- 1871 йилги Париж коммунаси.
- Францияда учинчи республиканинг ўрнатилиши ва 1875 йилги конституциявий қонунлар.
- Франциянинг мустамлака империяси (XX асргача).

1. 1789-1794 йиллардаги буюк француз инқилоби, унинг шарт–шароитлари, босқичлари ва хусусиятлари

Европадаги инқилобларнинг яқунловчиси ва энг машҳури бўлиб, XVIII аср охиридаги буюк француз инқилоби жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. У феодализмга ҳал қилувчи зарба берди, уни ағдариб, емириб ташлади. Бу фақат Франция учунгина эмас, балки бутун Европанинг тақдири учун ҳам жуда катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Бу инқилобнинг асосий кучи ва ҳаракатлантирувчи кучи халқ эди.

Француз инқилоби феодал ишлаб чиқариш муносабатларини тугатиб, янги, буржуа ишлаб чиқариш муносабатларини вужудга келтирди, деҳқонларни феодаллар зулмидан холос қилди, феодал тартибларига барҳам берди ва буржуа демократиясининг

ривожланишига шарт-шароит яратди. Халқ оммасининг инқилобда фаол қатнашиши Францияда мустақкам инқилобий анъаналарнинг ривожланишига, француз халқида миллий характернинг таркиб топишига жуда катта таъсир кўрсатди.

Буюк француз инқилоби озодлик байроғини кўтариб чиқди, буржуа демократиясининг принципларини эълон қилди.

Франция XVIII асрда абсолют монархия давлати бўлиб қолиши билан бирга, Европанинг энг қудратли давлатига айланган эди. XVII асрда бошланган Франция ерларини бирлаштириш тугалланиб, у янада йирик мустамлака давлатига ҳам айланган эди.

Маълумки, Францияда қуйидаги 3 та табақа мавжуд эди:

1) дворянлар; 2) руҳонийлар; 3) деҳқонлар, хунармандлар, ёлланма ишчилар, майда савдогарлар ва буржазия.

Революция арафасида имтиёзли табақа бўлмиш дворянлар ва руҳонийлар бутун аҳолининг бор-йўғи бир фоизини ташкил этиб, қиролликдаги 80 фоиз ерларга эгалик қилиб турар, табақа имтиёзларидан фойдаланишар, солиқлардан озод эдилар.

Дворянлар эски дворянлар ва мантия дворянларидан иборат эди. Мантия дворянлари хизмат эвазига даворянлик унвонини олган кишилар эди. Булар кўпчиликни ташкил қилиб, табақа имтиёзларидан тўлиқ фойдалана олмас эдилар. Лекин улар ҳам эски тузумни, мутлоқ монархияни сақланиб қолишидан манфаатдор бўлиб, сиёсий жиҳатдан зодагонлар ва руҳонийлар билан ҳамфикр эдилар.

Франция аҳолисининг асосий қисмини, яъни 99 фоизини учинчи табақа ташкил этарди.

XVIII аср охирларида деҳқонларнинг асосий қисми крепостной қарамликдан озод этилган бўлса ҳам, аммо уларнинг зиммасида турлича кўпдан-кўп мажбуриятлар мавжуд эди. Деҳқон аввалгидек еридан маҳрум эди. У ердан фойдаланганлик учун оброк (чинш), турли маҳсулот ва пул солиқлари, черковга ушр тўлаб турарди.

Францияда ҳам капиталистик муносабатлар ривожланиб, пул рентаси ўсиб борди, деҳқонлар қашшоқлашиб, ишсизлар, дайдилар кўпайди. XVIII аср давомида деҳқонлар кўзғолонлари кучайиб кетди.

XVIII аср охирига келиб, мамлакат иқтисодида тўла хукмронлик қилаётган, аммо сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлган буржуазия учинчи табақанинг сиёсий авангарди бўлиб қолди. Жуда катта бойлик, савдо ва саноат ана шу буржуазия қўлида эди. Лекин буржуазия ҳам мулкий жиҳатдан тенг эмас эди ва уч табақага бўлинган эди: 1) йирик буржуазия (банкирлар, йирик

саноатчилар-юқори табақа); 2) ўрта ҳол буржуазия; ва 3) майда буржуазия.

Бундай мулкӣй тенгсизликдан қатъий назар XVIII аср охирида Франция буржуазияси сиёсий жиҳатдан бир фронтга бирлашиб, илғор мафкура тарғиботчиси эди. У эски тузумга, абсолютизмга қарши курашда ягона фронтга бирлашган эди.

Буржазия учинчи табақани эски тузумга қарши курашига бошчилик қилди. У эълон қилган кенг умумдемократик дастур халқ оммасини ўзига жалб қилди.

XVIII асрда савдо-сотик ва саноатнинг ривожланиши буржазиянинг мавқеини янада мустаҳкамланишига олиб келди. Буржуазия қирол ва дворянларнинг танҳо ҳукмронлик қилишини хоҳламас, ўзи ҳам давлатни бошқаришга фаол интиларди. Францияда XVIII аср охирига келиб феодал абсолют тузум танглиги ниҳоясига етди. Булар асосан қишлоқ хўжалигида, саноатда ва савдо-сотикда намоён бўла бошлади.

Қишлоқ хўжалигида танглик қуйидагилардан иборат эди:

Феодал тартиблар қишлоқ хўжалигининг ривожланишидаги асосий тўсиққа айлана бошлади.

Революция арафасида Франция асосан аграр мамлакат эди. Унинг 25 миллион аҳолисидан 23 миллиони қишлоқларда яшар, мамлакат жами даромадининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини қишлоқ хўжалиги берарди. Ерларнинг деярли ҳаммаси дворянларнинг ва черковнинг мулки эди.

Йирик помещик хўжалиги деярли йўқ бўлиб, деҳқонлар асосан кичик-кичик томорқаларда ёки дворянлардан ижарага олган ерларда ишлаб дворянлар ва черков фойдасига кўп миқдорда солиқ тўлардилар.

Деҳқонлар дворянлардан кетиш ёки унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқларидан маҳрум эдилар. Улар олинган ҳосилнинг ўндан бир қисмини пул ёки натура тарзида черковга беришга мажбур эдилар.

Давлат солиқлари ҳам ниҳоятда кўп бўлиб, деҳқонлар ҳар йили ҳосилнинг йигирмадан бир қисмини жон солиғи сифатида тўлардилар ва бундан ташқари киши бошига камида 7 фунт тузни мажбурий нарҳда сотиб олишлари лозим эди.

Шундай қилиб, деҳқонларнинг ҳуқуқсизлиги, феодал тўловлар, дворянлар фойдасига ишлаб бериши, давлат солиқлари, черковга ишлаб бериш ва бошқа турлича солиқлар деҳқонларни хонавайрон қилар эди. Улар қашшоқлашиб экинзорларни кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш воситаларини янгилашдан маҳрум бўлишарди.

Шу тарика феодал тартиблари кишлок хўжалигининг ўсиши учун тўсиқ бўлиб қолганди. Деҳқонлар орасида золим дворянларга, черков руҳонийларига ва қирол ҳокимиятига нафрат тобора ортиб борарди. Аммо деҳқонлар тарқоқ ва саводсиз бўлганлиги учун инқилобга кўтарила олмас эдилар.

Янги етилиб келаётган буржуазия деҳқонларни ўз томонларига оғдириб олишлари учун феодал тартибларни тугатиш асосий масала эди. Чунки бу буржуа инқилоби давомида буржуазиянинг деҳқонлар билан абсолютизмга ва феодализмга қарши иттифоқ тузиш учун шароит яратди. Бундай иттифоқдан бадавлат буржуазия манфаатдор эди, чунки феодал мажбуриятлар бекор қилинса, улар ўз ерларининг тўла хўжайинлари бўлиб қоларди. Саноат ва савдо-сотиқнинг ривожланишига ҳам феодал тузум тўсқинлик қилар эди.

Мамлакатда ҳунармандчилик жадал суратлар билан ривожланаётган бир пайтда, ҳунармандлар олиб-сотарларга ва хомашё тақсимлаш билан шуғулланувчи кишиларга қарам бўлиб қолган эдилар. Франция XVIII асрда четга маҳсулот олиб чиқаришни бир неча баробар кўпайтирди. Мустамлакалар билан савдо қилиш XVIII асрда ўн баробардан ошиб кетди.

Бироқ мустамлака ва чет эл билан савдо қилиш учун компаниялар қиролдан имтиёзли ҳуқуқ сотиб олишлари керак эди. Ички бозордаги сон-саноксиз ички бож тўловлари, мамлакатнинг турли қисмларидаги ҳар хил тош-торозулар бу савдога халақит берар эди. Сеньорлар ва монастирлар ўз ерлари орқали мол ташиб ўтганлиги учун катта бож олишарди. Бу эса ўз навбатида ички савдони қийинлаштирарди.

Шундай қилиб, эскирган феодал тартиблар кишлок хўжалигида ҳам, саноатда ҳам, савдода ҳам ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига халақит бермоқда эди, эндиликда уларни бекор қилиш зарурияти туғилиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши эскирган ишлаб чиқариш муносабатларига зид бўлиб қолди.

Инқилобнинг мафкуравий ғояларини ишлаб чиқишда ва уни халқ оммаси ичида ёйишда француз маърифатпарварларидан Монтескье, Вольтер, Руссо, Мелье ва Дидроларнинг хизмати катта бўлиб, улар инқилобнинг сиёсий томонини белгилаб бердилар. Бундан ташқари Францияда инқилобий вазият ҳам пишиб етилган эдики, бу қуйидаги ҳолатларда намоён бўлди: биринчидан, ҳукмрон табақалар ўз ҳукмронлигини ўзгартирмасдан сақлаб қолиши мумкин бўлмай қолди; иккинчидан, эзилган синфларнинг муҳтожлиги ва

кулфатлари одатдагидан ҳам оғирлашди; учинчидан, маълум шароитда уларнинг фаоллиги кучайиб кетди.

Инқилоб арафасида деҳқонларнинг ва шаҳар камбағалларининг қудратли кўзгалонлари бўлиб ўтди. Айниқса, ревалюциядан аввалги қурғоқчилик натижасидаги очарчилик аҳволни оғирлаштирди.

Франция иқтисодий инқирозга юз тутди. Айниқса, Людовик XVI ҳукумати мамлакатни оғир молиявий ҳалокатга олиб келган эди. Бундан қутилишнинг бирдан-бир йўли имтиёзли табақалардан (дворянлар ва руҳонийлардан) ҳам давлат солиғини ундириш эди. Ҳукмрон доираларнинг баъзи вакиллари бу тадбирни қўллашни таклиф қилдилар. Аммо Людовик XVI абсолютизм таянчи бўлган бу кучларга қарши боришни истамади. Бу масалани 1787 йилги олий задогонлари кегашада ҳал қилмоқчи бўлади. Аммо натижа бермайди. Шундан сўнг, 1789 йил 5 майда қирол ҳукумати 1614 йилдан бери чақирилмаган Генерал штатларни – табақа-вакиллик муассасаси мажлисини чақиришга мажбур бўлади. Генерал штатларга ҳар қайси табақадан депутатлар сайланган бўлиб, 301 та депутат дворянлар табақасини, 270 та депутат руҳонийлар табақасини ва 588 та депутат қуйи-учинчи табақанинг манфаатини химоя қиларди. Унда янги солиқлар жорий қилиш масаласи ҳал қилиниши керак эди.

Маълумки, анъанага кўра, Генерал штатларда бирор масалани муҳокама қилиш юзасидан овоз бериш табақалар бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилар эди. Бунда ҳукмрон табақалар – дворянлар ва руҳонийлар доимо устунликка эришар эди, чунки уларнинг манфаати бир хил эди. Учинчи табақа вакиллари ҳар бир масалани Генерал штатларнинг умумий кўшма мажлисида якка-якка овоз бериш йўли билан ҳал қилишни талаб қилганлар. Бундай тартибда овоз бериш вакиллари сон жиҳатидан кўп бўлган учинчи табақага устунлик берар эди. Лекин учинчи табақанинг бу талаби рад қилинган.

Шундан сўнг Генерал штатлар мажлисида қирол ва унинг тарафдорлари билан учинчи табақа ўртасида очикдан-очик сиёсий кураш бошланиб кетади. 1789 йил 17 июнда учинчи табақа вакиллари ўзларини Миллий Мажлис, яъни Франция миллатининг вакиллари деб эълон қилади. Кейинчалик, Людовик XVI ҳукумати мамлакатга қарши кураш йўлига ўтгандан сўнг, 1789 йил 9 июлда Миллий Мажлис ўзини Таъсис мажлиси, яъни янги сиёсий тузум ўрнатиш ваколатига эга бўлган олий орган деб эълон қилди.

Қирол ҳукумати Миллий Таъсис мажлисини тарқатиб юборишга уринган. Лекин шаҳар камбағаллари, хунармандлар,

савдогарлар, зиёлилар ва майда буржуазия қирол ҳукуматига қарши қуролли қўзғолон кўтардилар ва 1789 йил 14 июлда абсолютизм таянчи ҳисобланган Бастилия турмасини эгаллаб оладилар ҳамда сиёсий махбусларни озод қиладилар. Бу кун буюк француз инқилобининг бошланиши ва француз халқининг миллий байрам куни бўлиб қолди.

XVIII аср охиридаги буюк француз инқилобининг уч асосий босқичи ажралиб туради.

Биринчи босқич 1789 йилнинг 14 июлидан 1792 йил 10 августгача давом этди. Бу даврда мутлақ монархия тугатилиб, конституциявий монархия ўрнатилди. Бунда йирик буржуазия раҳбарлик қилди. Ҳокимият ҳам йирик буржуазия қўлида бўлди.

Иккинчи босқич 1792 йил 10 августдан 1793 йил 2 июнга қадар давом этди. Бу даврда қирол ҳокимияти ағдариб ташланди. Франция тарихда биринчи марта республика деб эълон қилинди. Мамлакатда республикачи-жирондистлар ҳукумронлиги ўрнатилди.

Учинчи босқич 1793 йил 2 июндан 1794 йил 27 июлга қадар давом этди. Бу даврда якобинчилар диктатураси ҳукм суради.

XVIII аср охиридаги буюк француз инқилоби, XVII аср ўртасидаги инглиз инқилобидан фарқли ўлароқ, ўзига хос муҳим хусусиятлари билан ажралиб турарди.

Биринчидан, Францияда буржуазия халқ билан иттифоқ тузиб, қирол ҳокимиятига, феодал-абсолютизмга қарши кураш олиб борди. Англияда эса буржуазия янги дворянлар билан иттифоқ тузиб, мутлақ монархияга қарши курашди.

Иккинчидан, Франция инқилоби натижасида республика ўрнатилган бўлса, инглиз инқилоби қирол ҳокимиятини чеклади ва конституциявий монархия ўрнатди.

Учинчидан, буюк француз инқилоби феодал тартибларини, деҳқонларнинг феодал мажбуриятларни, феодал имтиёзларни тугатган бўлса, инглиз инқилоби натижасида эса мамлакатда қатор феодал тартиблар ва феодал имтиёзлар сақланиб қолган эди ва ҳоказо.

2. Францияда илк конституциявий монархия ва унинг давлат тузуми

шундай қилиб, 1789 йил 14 июлда халқнинг Қуролли қўзғолони натижасида қироллик қалъаси – Бастилиянинг ишғол қилиниши янги Франциянинг туғулган куни бўлиб қолди. Бу шонли кун ҳозирги вақтда ҳам француз халқининг миллий байрами сифатида нишонланади.

Парижда бошланган инқилоб тез орада бутун мамлакатни камраб олди. Қўзғолончилар қирол чиновникларини хайдаб юбордилар, деҳқонлар, феодал мажбуриятларни бажаришни рад этдилар. Труа, Амьян, Шербур, Руан ва бошқа кўпгина провинциал шаҳарларда маҳаллий бошқарув эски органлари тугатилди. Қўшинларнинг кўпчилиги қирол генералларига бўйсунмай қўйди. Солдатлар халққа қарата ўқ узишдан бош тортдилар.

Таъсис мажлисида (яъни пойтахтда) ҳукмрон мавқени эгаллаб олган учинчи табақанинг юқори қисми (йирик буржуазия) халқ ҳаракатидан жойларда сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олиш учун фойдаланди. Маҳаллий бошқарувнинг янги ўзини ўзи бошқариш органлари – муниципалитетлар тузилди. Уларда учинчи табақанинг анча бадавлат кишилари раҳбарлик ролини ўйнади. Миллий Таъсис мажлисида, Парижнинг ва вилоятларнинг муниципалитетларида конституцион монархистлар – буржуалашган дворянлар билан йирик буржуазиянинг, молиячилар, кема эгалари, саноатчилар, савдогарларнинг сиёсий вакиллари ҳукмронлик қилар эдилар.

Буржуазия ўз Қуроллиу кучларини ташкил қилишга киришди. Миллий гвардияга, яъни худудий кўнгиллилар кўшинига қабул қилиш эълон қилинди. Ҳар бир миллий гвардияси ўз ҳисобидан қиматбаҳо қуро-яроғ ва ҳарбий аслаҳалар олиши лозим эди. Бу амалда мулксиз фуқароларни миллий гвардияга киришига йўл қўймасди. Йирик буржуазия тўп-замбараклар сотиб олиш, ҳарбий таълим ва бошқаларни таъминларди. У миллий гвардиянинг кўмондонлик лавозимларига ўз номзодларини илгари суришга муваффақ бўлди. Миллий гвардияга кўмондон этиб Америка Қўшма Штатларининг мустақиллиги учун олиб борилган уруш қатнашчиси маркиз М.Ж. Лафайет тайинланди. Маркиз Лафайет инқилобдан илгариёқ буржуа ислохотлари тарафдори бўлиб иш кўрган ва ўша вақтда мамлакатда жуда катта обрў қозонган эди.

Оқибатда давлат ҳокимияти бадавлат буржуалар ва либерал дворянлар вакилларининг манфаатларини ифода этувчи сиёсий гуруҳ қўлига ўтди. Унинг раҳбарлари маркиз Лафайет, аббат Сиейес, астраном олим Байи, социолог олим А.Барнав, А. Ламет ва граф Оноре Мирабо эдилар. Уларнинг орасида айниқса граф Мирабо ажойиб нотик, лекин принципсиз сиёсатчи эди. Улар эски тузумни тўла тугатишга ҳаракат қилмадилар. Уларнинг олий мақсади конституциявий монархия эди, шу сабабли улар ўзларини конституционистлар деб атадилар. Конституционистларнинг сиёсий фаолияти илдизида дворянлар билан ўзаро ён беришлар асосидаги келишув ётарди.

Аграр масала XVIII аср охиридаги буюк француз инқилобининг асосий масаласи ҳисобланарди. Франция миллатининг кўпчилигини ташкил қилган деҳқонлар учун феодал қарамликдан қутилиш ҳаётий зарурият бўлиб қолганди. Деҳқонларнинг феодал қарамликдан қутулиши саноат ва савдони ривожлантиришнинг ҳам зарур шарти эди.

1789 йилнинг ёзида деҳқонлар ҳаракатининг кучли суратда юксалиши Таъсис мажлисини аграр масала билан дарҳол шуғулланишга мажбур этди. Натижада Таъсис мажлиси «Феодал режимни батамом йўқотиш» тўғрисидаги қарорни тантанали равишда эълон қилди, 1789 йил 4 августда «Феодал ер эгалигини тугатиш тўғрисида», 1789 йил 11 августда эса деҳқонларнинг феодал мажбуриятларини тугатиш ҳақида декретлар чиқарди. Лекин деҳқонларнинг энг муҳим мажбуриятлари – чинш ва баршчина сақланиб қолди. Дворянлар фақат шахсий ҳуқуқлар деб аталган ҳуқуқлардан (серваждан, сеньорлар судидан, «жонсиз кўл» ҳуқуқидан, танҳо ов қилиш ҳуқуқидан ва бошқалардан), яъни ҳақиқатда инқилобнинг даслабки кунларида ва инқилоб арафасидаёқ йўқолган ҳуқуқлардангина бадалсиз воз кечдилар.

Таъсис мажлиси узоқ тортишувлардан сўнг ценз, натурал оброк (шампер), баршчина, цензни сотиш ва мерос қилиб қолдиришда сеньорга бир марта тўланадиган божлар каби асосий феодал ҳуқуқлар ҳақида декретлар қабул қилди. 1790 йилги декретлар билан деҳқонларнинг ўз мажбуриятларини сотиб олишлари мумкинлиги эълон қилинди. Аммо бу шартлар деҳқонлар учун жуда оғир эди. мажбуриятларнинг нархи жуда юқори белгиланиб, деҳқонлар амалда уларни сотиб ололмадилар. Шу сабабли феодалларга солиқ тўлашдан бош торта бошладилар. Алданиб, умидлари пучга чиққан деҳқонлар курашни давом қилдирлар. Чунки инқилобнинг биринчи босқичда аграр масала узил-кесил ҳал қилинмай қолган эди.

Деҳқонлар помешчикларга солиқ тўлашдан, мажбурият бажаришдан бутунлан бош тортдилар ва илгариги жамоа ерларини қайтариб олмоқчи бўлдилар.

1790 йилнинг январидан бошлаб деҳқонларнинг ғалаёнлари кучайди. Бретанда бир ой ичида (1790 йил февралда) помешчикларнинг 37 та қасрига ўт қўйиб юборилди. Керси, Перигор, Руэр вилоятларида кучли ғалаёнлар кўтарилди.

Таъсис мажлиси 1790 йилнинг феврал – июль ойларида чиқарган қонунларида деҳқонларнинг ғалаёнларини тугатиш воситасини топмоқчи бўлди, лекин деҳқонлар учун айтарлик ҳеч нарса қилинмади. 1790 йилнинг 15 мартада чиқарилган декретда

помешчиклар триажа ҳуқуқидан маҳрум этилди, бу ҳуқуққа кўра, жамоа ерларини тақсимлашда учдан бир қисм ерни помещчиклар олар эди. Энди бу тартиб тугатилди. Бироқ помещчиклар илгари тортиб олган ерлар суд орқали қайтариб олиниши керак эди, суд эса одатда ишни йирик буржуазия билан помещчиклар фойдасига ҳал қилар эди. 1790 йилнинг майида феодаллар фойдасига бажариладиган мажбуриятлардан ҳақ тўлаб қутилишнинг деҳқонлар учун жуда муракаб, оғир ва амалда бажариб бўлмайдиган тартиби белгиланди. Тўланадиган ҳақ деҳқоннинг бир йилда бажарадиган мажбурияти қимматидан йигирма ҳисса ортиқ белгиланди; мажбуриятларнинг ҳаммаси учун бир йўла ҳақ тўлаш керак эди. Бу қонун деҳқонлар ғалаёнларининг янгидан кўтарилишига сабаб бўлди.

1790 йилнинг 15 майида чиқарилган декретга мувофиқ, миллий мулкларни ким ошди савдоси йўли билан, пулни 12 йилда тўлаш шarti ила майда участкаларга бўлиб сотиш рухсат этилди. Аммо 1790 йилнинг июлида мажлис 12 йиллик муддатни 4 йилга келтирди ва ерларни майда участкаларга бўлиб сотишни бекор қилди. Ерлар катта-катта участкаларга бўлиб сотиладиган бўлди; ерларга жуда юқори баҳо қўйилди, ким ошди савдоси йўли билан сотишда ернинг нархи яна ҳам ошиб кетди. Ер сотиш ишларини муниципалитетлар олиб борди.

Таъсис мажлиси аграр масалани бироз кейинроқ узил-кесил ҳал қилди.

Инқилобнинг биринчи босқичида Миллий Таъсис мажлисининг 1790 йил 15 январдаги декрети билан эски сенъорлик тугатилиб, мамлакат ҳудуди 83 та департаментга, департаментлар дистриктларга, дистриктлар эса коммуналарга бўлинди. Ҳар бир маъмурий ҳудудий birlikда ўзини ўзим бошқариш органлари сайланиб қўйилди.

1790 йилги декретларга асосан католик черкови давлат назоратига олинди. Черков десятинаси бекор қилинди. Черковдан тортиб олинган ерлар хусусий шахсларга сотилди. Черков юрисдикцияси (суд қилиш ҳуқуқи) чекланди. Фуқаролик ҳолатини қайд қилиш черковдан олиниб, давлат органларига берилди. Диний мансабдорлар ҳам сайланиб қўйиладиган бўлди. Черков мансабдорлари ҳам давлатдан маош оладиган бўлдилар.

Таъсис мажлиси томонидан савдо-сотиқ соҳасида ҳам бир қанча декретлар чиқарилиб, цехлар тугатилди, ғалла савдоси эркинлиги жорий қилинди.

1790 йилда Францияда иқтисодий жонланиш аломатлари рўй бера бошлади. Иқтисодий жонланиш ишчиларнинг ўз меҳнат

шароитларини яхшилаш учун, иш ҳақини ошириш учун, иш кунини қисқартириш учун курашини кучайтирди. Ишчи иттифоқларининг сони тезлик билан ўсиб борди. Стачка курашининг ўсишини тўхтатиш ва ишчиларнинг сиёсий ташкилотларини бошидаёқ бўғиб ташлаш учун, Таъсис мажлиси 1791 йил 14 июнда бир декрет қабул қилди, уни депутат Ле Шапелье таклиф этган эди. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборат эдики, буржуазия ишчиларни иттифоқ, уюшмалар тузиш ва стачкалар ўтказиш соҳасида эндигина қўлга киритилган ҳуқуқдан маҳрум қилди.

Инқилобнинг биринчи бочқичида қабул қилинган энг муҳим тарихий ҳужжатлар – булар 1789 йилги “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси” ва 1791 йилги Конституция эди.

“Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси”. 1789 йил 26 августда Таъсис мажлиси АҚШ «Мустақиллик декларацияси» асосида «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясини» қабул қилди. Унда миллат олий ҳокимият манбаи деб эълон қилинди. Бу эса ўз навбатида мутлақ монархиянинг тугатилганлигини билдирар, аммо конституцион монархиянинг сақланиб қолишига йўл қўяр эди.

Бу декларация кириш қисми ва 17 та моддадан иборат эди. Унинг кириш қисмида «Франция халқининг вакиллари Миллий таъсис мажлисини ташкил қиладилар ва фақат инсон ҳуқуқларига нисбатан адолатсизлик ижтимоий офатларни ва ҳукуматларнинг нотўғри ҳаракатларини келтириб чиқаради деб ҳисоблаб, инсоннинг табиий ва муқаддас ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация қабул қилишга қарор қилди», дейилган эди. Унинг асосий қисмида инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари, халқ суверенитети ва халқ ҳокимиятининг тақсимланиши принциплари эълон қилинган эди.

Декларацияда «кишилар эркин ва ҳуқуқда тенг бўлиб туғиладилар ва кейин ҳам эркин, ҳуқуқда тенгликларича қоладилар. Ижтимоий фарқлар фақат умумнинг фойдасига асосланган бўлмоғи мумкин» (1-модда) дейилган эди. Унинг 2-моддасида «Ҳар бир давлатнинг мақсади инсонларнинг табиий ҳуқуқларини таъминлаш, яъни эркинлик, хавфсизлик, мулкка эгалик қилиш ва зулмга қаршилик кўрсатиш каби инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир», деб кўрсатилди. Декларацияда «Халқ суверенитетининг асосий манбаи халқ ва ҳеч қандай коорпорация ёки шахс халқдан мустақил ҳокимиятга эга бўла олмайди» (3-модда); «Мустақиллик бошқаларга зарар келтирмайдиган ҳамма нарсани қилишдан ташкил топади. Бу нарсалар қонун билан белгиланади» (4-модда); «Қонун жамиятда зарарли бўлган ҳаракатларни тақиқлаши мумкин» (5-модда); «Қонун умум эркиннинг ифодаси, ҳамма фуқаролар қонун

ишлаб чиқаришда ўзлари ёки вакиллари орқали иштирок этади» (6-модда); «Ҳеч ким қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари айбланиши, қамалиши ва ушланиши мумкин эмас, кимки қонуний ҳолда айбланса ва ушланса, сўзсиз бўйсунуши керак» (7-модда); «Қонун жазонинг қаттиқ ва муҳим турларини ўрнатиши мумкин. Ҳеч ким қонундан ташқари ҳолатда жазоланиши мумкин эмас» (8-модда); «Агар бирор кишининг айблилиги исботланмаган бўлса, унга қаттиқ чоралар қўлланса, қонун билан қаттиқ жазоланади» (9-модда); «Ҳар ким ўз фикрини, ҳатто диний бўлса ҳам изҳор этиш ҳуқуқига эга» (10-модда); «Мустақил фикрини айтиш, инсон ҳуқуқларининг қимматлигидан бири, шунга биноан у ёзиши, нашр қилиши мумкин» (11-модда); «Қуролли кучлардан инсон ҳуқуқларини таъминлашда фойдаланилади» (12-модда); «Қуролли кучлар ва маъмурий ҳокимиятни ушлаб туриш учун умумий взнозлар йиғилади. У ҳамма фуқаролар ўртасида тенг тақсимланади» (13-модда); «Барча фуқаролар ўзлари ёки ўз вакиллари орқали давлат солиғи ўрнатиш зарурлигини билдириш, уни олишга эркин хоҳиш билдириш, уни харажат қилинишини кузатиб туриш ва уни мажбурий миқдорини белгилаш, бундай солиқ олиш асосини, тартибини ва муддатини аниқлаш ҳуқуқига эгадирлар» (14-модда); «Жамият мансабдор шахсдан унга бириктирилган вазифа ҳақида ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқига эга» (15-модда) деган нормалар белгиланди. Унинг 16-моддасида эса, давлатни идора этишда ҳокимиятнинг тақсимланиши принципи ҳақида гапирилган.

Декларация хусусий мулкни муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилди. 17-моддада: «Хусусий мулк дахлсиз ва муқаддас бўлгани учун ундан қонунда белгиланган ҳолдан ташқари ҳеч ким маҳрум этилиши мумкин эмас. Хусусий мулк жамиятнинг қонунан тасдиқланган эҳтиёжи очикдан-очик талаб этган ва адолатли йўл билан олдин ҳақ тўланган тақдирда тортиб олиниши мумкин» деб белгиланган эди.

Декларацияда ўз заминида абсолютизмга қарши демократия учун курашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Феодал-абсолютистик тузум ҳукм сурган даврда Декларация эълон қилган тенглик, эркинлик, дўстлик, халқ суверенитети принциплари ўша замон кишиларида жуда катта таассурот қодирди.

Бироқ шу билан бирга Декларациянинг барча фуқаролар учун адолат ўрнатганлиги ҳақидаги қоидалари анча мавҳумий бўлиб қолган эди. Бу унга маълум даражада муайян-тарихий шарҳ бериш имконини берарди.

Инқилоб даврида Декларацияда инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг эълон қилиниши деҳқонлар ва кўп ишчилар феодал зулмининг тугатилиши, дворянлар ерларининг тақсимланиши, бу ерларга нисбатан уларнинг мулк ҳуқуқининг ўрнатилиши сифатида қабул қилдилар. Кўп ишчилар қишлоқлар билан алоқани узмай, мустақил хўжайинлар бўлишни орзу қилдилар. Ишсизликнинг камайиши, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг пасайиши, оддий фуқароларга Декларацияда эълон қилинган ҳуқуқларнинг берилиши кутилди. Бироқ амалда булар тўла таъминланмади.

Ҳокимият тепасига келган буржуазия Декларацияни фақат ўз манфаатларига мос тарзда талқин қилди. Янги ҳукмрон доиралар тез орада Декларация принципларини буза бошладилар. 1789 йил декабрда Таъсис мажлиси сайловчилар учун мулкӣ ва бошқа цензлар жорий қилиниши ҳақида декрет қабул қилди. Унда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»га батамом зид бўлган цензли сайлов тизими қабул қилинган эди. Бу сайлов тизими фуқароларни, мулкӣ ва моддий аҳволига қараб, «актив» ва «пассив» фуқароларга ажратган эди.

Белгиланган мулкӣ цензга эга бўлмаган, маош олиб ишлайдиган ва миллий гвардия рўйхатида турмаган фуқароларнинг ҳаммаси «пассив», яъни сайлов ҳуқуқларидан бутунлай маҳрум этилган фуқаролар ҳисобланар эди. Муайян мулкӣ цензга эга бўлган фуқаролар «актив» фуқаролар деб аталди, фақат ана шу фуқароларга сайлов ҳуқуқи берилди. Сайловлар икки поғонали қилиб белгиланди.

25 ёшга тўлган, бирон кимсада маош олиб ишламайдиган, миллий гвардия рўйхатига кирган ҳамда мардикорнинг камида уч кунлик маҳаллий иш ҳақи миқдорида тўғри солиқ тўлаб турадиган эркакларга сайловчи вакиллар сайлаш ҳуқуқи берилди. Маълумки, уч кунлик иш ҳақи катта пул эмас эди, лекин миллий гвардияга кирган бўлиши кераклиги тўғрисидаги талаб жуда кўп фуқароларни сайловда қатнашишдан четлаштирар эди. Миллий гвардияга кирувчи киши озиқ-овқат, кийим-бош ва куро-яроғ билан ўзини-ўзи таъминлаши лозим эди, бу эса жуда қимматга тушар эди. Ўн кунлик иш ҳақи миқдорида солиқ тўлайдиган кишилар сайловчи вакил бўлиб сайлана олар эди. 1789 йилнинг охирида чиқарилган қонунга кўра, бир кумуш марка (қарийиб 50 лавр) миқдорида тўғри солиқ тўлайдиган ёки бирон ер мулки бўлган шахсларгина депутатликка сайланиши мумкин эди. Аммо кейинроқ бориб, 1791 йилнинг 27 августидан, бу қарор йирик буржуа фойдасига ўзгартирилди. «Кумуш марка» тўғрисидаги модда бекор қилинди. Бунинг ўрнига, мулкӣ ценз оширилди. Сайловчи вакил бўлмиш, яъни бошқача қилиб

айтганда, департамент маъмурларини ва мажлис депутатларини сайлайдиган департамент йиғилишларида қатнашиш ҳуқуқига фақат ер мулкидан камида 150-200 кунлик иш ҳақи миқдорида даромад оладиган шахсларгина эга бўла олар эди.

Цензли сайлов системасининг жорий этилиши фуқароларнинг сиёсий тенгсизлигини вужудга келтирди. 1791 йилда Франциянинг 26 миллион аҳолисидан 4 ¼ миллионга яқин киши «актив» фуқаро ҳисобланар эди. 1790 йилнинг январ-феврал ойларида янги сайлов тизими асосида муниципал органларга сайлов ўтказилди.

Таъсис мажлисининг қонунчилик фаолияти. Инқилобнинг ушбу биринчи босқичида савдо ва саноатнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ўрта асрларга хос бир қатор институтлар тугатилди. Табақавий бўлинишни бекор қилувчи цех тизими, ички божлар ва ҳоказоларнинг бекор қилиниши ҳақидаги декретлар қабул қилинди.

Мамлакатнинг эски ҳудудий бўлинишининг тугатилиши ҳам прогрессив тадбир бўлди. Натижада ягона маъмурий-ҳудудий бўлиниш жорий қилиниб, мамлакат ҳудуди департаментларга, дискритларга, контонларга ва коммуналарга бўлинди. Таъсис мажлисида янги маъмурий-ҳудудий чегаралар, маҳаллий бошқарув органларининг структураси ва компетенцияси ва шулар билан боғлиқ бошқа масалалар бир неча марта муҳокама қилинди ва аниқлаштирилди. 1790 йилнинг май-июн ойларида Парижда янги маъмурий тузилиш жорий қилинди ва пойтахт районларга бўлинди: дискритлар тугатилиб, Париж 48 секцияга бўлинди. Секцияларнинг мажлисларида фақат «актив» фуқаролар қатнаша олар эди. Секцияларни чақириш тартиби атайин мураккаблаштирилганлигидан, уларнинг қўшма мажлисларини ўтказиш имконияти жуда ҳам қийинлаштириб қўйилган эди. йирик буржуазиянинг ва буржуалашган дворянларнинг сиёсий ҳукмронлиги ана шу тариқа ўрнатилди.

Таъсис мажлиси «давлат ичидаги давлат» ҳолатида бўлган баъзи бир виолятларнинг имтиёзларини бекор қилди ва бу ислоҳот, шубҳасиз, катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Инқилоб француз буржуа миллатининг таркиб топиш жараёни тугаллашга ғоят катта ёдам берди. 1789 йилнинг октябрида Франция 83 департаментга бўлинди, бу департаментлар ҳудудий жиҳатдан бир-бирига тенг эди, деса бўлади. Департаментларни маъмурий кенгашлар ва беш кишидан иборат ижроия директориялари идора қилар эди. ягона маъмурий тизим, ягона солиқ тизими жорий қилиниши, вотчина судларининг тугатилиши ва ички божхоналарнинг ёпиб ташланиши натижасида Франциянинг айрим қисмларининг бир-бири билан

боғланмаслик ҳолати йўқолди. Бу билан мамлакат ичида капитализмнинг ривожланишига, савдо ва саноат алоқаларининг кучайишига ҳалақит бериб келган сунъий ғовлар битирилди.

Таъсис мажлиси тоифалар ўртасидаги тафовутларни ҳам йўқ қилди. Дворянларни қолган-қутган юридик имтиёзларидан маҳрум этиш ва барча фуқароларнинг расмий тенглигини таъмин қилиш учун, мажлис 1790 йил 19 июнда чиқарган декретида меросий дворянлик тартиботини ва у билан боғлиқ бўлган ҳамма унвонларни бекор қилди.

Черков мулкани миллат ихтиёрига берилиши ҳақидаги декретлар чиқарилди. 1789 йилнинг 2 ноябрида Таъсис мажлиси декрет чиқариб, черковларнинг барча мулкани миллат мулки деб эълон қилди. Черковдан мусодара қилиб олинган ва миллат мулки деб эълон қилинган ерлар давлат қарзини тўлаш учун сотилди.

Таъсис мажлиси 1790 йилнинг июл-ноябр ойларида чиқарган декретларида руҳонийларнинг фуқаролик тузуми деб аталган тартиб жорий қилди. Француз католик черкови бундан буён маъмурий жиҳатдан Ватиканга эмас, балки давлатга тобе бўлиши керак эди. Епископлар ва поплар сайловчи вакиллар томонидан сайланиши лозим эди. Епископлар – департаментларнинг, поплар – қавмларнинг сайловчи вакиллари томонидан сайланиши керак эди. Давлат дин хизматчиларига маош тўлайдиган бўлди, дин хизматчилари эса, ўз навбатида, конституцияга қасамёд қилишлари керак эди. Илгари черков бажариб келган баъзи ишларни (туғилиш, ўлиш ва никоҳни рўйхат қилишни) давлат олиб борадиган бўлди.

Мажлис молия инқирозини бартараф қилиш ва давлат қарзини тўлаш учун 1789 йилнинг 16-21 декабрида давлат пул мажбуриятлари, яъни ассигнатлар чиқаришга қарор қилди, бу ассигнатлар черков мулкларини сотишдан тушиши керак бўлган сумма (400 миллион ливр) миқдорида белгиланди. Дастлаб йирик купюраларда (ҳар қайсиси 1000 ливрдан) чиқарилган ассигнатлар беш процент даромад келтирадиган алоҳида турдаги қоғозлар эди. 1790 йил 16-17 апрелда ва 29 сентябрда чиқарилган декретлар ассигнатларни қоғоз пулга айлантирди. У даромад келтирадиган қоғозлик аҳамиятини йўқотди, майда купюраларда чиқарилди ва муомилотда танга ўрнида юриши лозим эди. Кейинчалик, кўплаб чиқарилган сари, қадрли тез кета бошлади.

Таъсис мажлиси савдо-саноат соҳасидаги сиёсатда буржуазиянинг турли табақалари манфаатларини бир-бирига мувофиқ келтириш йўлини ахтарди. Бир нечта декретлар чиқарилиб, ҳукумат ўрнатган қонун-қоида ва тартиблар бекор қилинди, цехлар тугатилди, ғалла савдоси эркинлиги жорий қилинди. 1791 йилги бож

тарифи четдан, масалан, зиғирпоя калаваси ва бинокорлик материаллари келтиришни ман қилди.

Таъсис мажлиси қабул этган солиқ тизими характерлидир. Йирик капиталга оз солиқ солингани ҳолда, майда саноатчиларга бирмунча катта солиқ солинадиган бўлди, деҳқонларга ҳам оғир солиқлар солинди.

Генерал штатларга сайлов вақтида берилган депутатлик «Наказлари»даёқ негрларни қулликдан озод қилиш ғояси илгари сурилган эди. Инқилобнинг бошларида Сан-Доминго ва Мартиники деган француз мустамлакаларидаги негрлар кўзғолон кўтарган эдилар. Аммо Таъсис мажлисида, «Қора танлиларнинг дўстлари» деб аталган кичик бир гуруҳдан бошқа, қул олди-сотдисини бекор қилиш тарафдорлари йўқ эди. баъзи бир депутатлар-дворянлар ва буржуазия либерал доираларининг вакиллари мустамлакаларни эксплуатация қилишда шахсан манфаатдор эдилар. Шу сабабли мажлис 1790 йил 8 март қонунини қабул қилиш билан чекланди, бу қонунда мустамлакаларнинг мажлисларини чақиришга рухсат этилди-ю, аммо у мажлисларга энг бой мулатларнинг вакилларигина қатнаштирилди.

Мулатларга Франциянинг Миллат мажлисида қатнашиш ҳуқуқини бериш қатъиан рад қилинди. Мустамлакалардаги қуллик бекор қилинмади.

Халқ оммасининг мустақил сиёсий ҳаракатларига қаршилик кўрсатиш мақсадида Таъсис мажлиси ҳарбий қонун деб аталган қонун чиқарди, бу қонун халқ ғалаёнлари вақтида ҳарбий ҳолат эълон қилиш ва «исёнчи тўдалар»га қарши қурол ишлатиш ҳақидаги 1789 йил 21 октябр декрети эди.

1791 йилги Конституция. Таъсис мажлиси Декларацияни тузиш билан бир вақтда Конституция ишлаб чиқишга ҳам киришган эди. 1789 йилнинг охиридаёқ Таъсис мажлиси қонун чиқариш ҳокимиятининг олий органи, қирол, ҳукумат, суд кабиларнинг ҳуқуқий ҳолатини, сайлов тизимини белгиловчи асосий конституциявий принципларни муҳокама қилган ва тасдиқлаган эди. лекин мамлакатдаги кескин сиёсий кураш Мажлис эътиборини доимо бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга қаратишга мажбур этган. Конституция ишлаб чиқиш ишлари орқага сурилиб қолаверган. Конституциянинг алоҳида қоидалари қонунлар кўринишида қабул қилинган. Бундай қонунлар ҳар доим бир-бирига мувофиқ бўлавермаган. Натижада Мажлис конституциявий актларни танлаб олиш ва тизимга солиш бўйича махсус комиссия тузган. Комиссия тез орада конституциявий қонунлар тўпламини тузган. Бу конституциявий қонунлар тўплами Конституция лойиҳасига асос

қилиб олинган ва 1791 йил 3 сентябрда Таъсис мажлиси томонидан қабул қилинган эди. Албатта, бу конституция дастлаб қирол қаршилигига учради, лекин халқ ҳаракатининг ўсиб бораётган кучлари таъсирида қирол уни имзолашга ва унга содиқлик ҳақида қасамёд қилишга мажбур бўлди. Бироқ, конституциянинг расман қабул қилинган куни 3 сентябрь, яъни уни Таъсис мажлиси тасдиқлаган кун бўлиб қолди.

Конституция кириш, учта қисм ва еттита бўлимдан иборат қилиб тузилган эди.

Кириш қисмининг ўзи 1789 йилги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» ва «ҳуқуқлар кафолати» деб номланган бўлимлардан иборат эди.

Конституциянинг преамбуласида табақа имтиёзлари, феодал тартиблар, титул ва у билан боғлиқ имтиёзлар, вотчина суди, давлат мансабларини мерос тариқасида эгаллаш, сотиш бекор қилинганлиги кўрсатилди. Шунингдек феодалларнинг табақа, цех тузуми, корпорациялари, шахсий имтиёзлари бекор қилинганлиги мустаҳкамланди.

Конституциянинг «Конституция билан таъминланган асосий қоидалар» деб номланган биринчи қисмида фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш эркинлиги, сўз, виждон эркинлиги кабилар эълон қилинди. Қонун чиқариш ҳокимиятининг табиий ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозимлиги, ҳуқуқларни чеклашга қаратилган қонунлар қабул қила олмаслиги белгиланди. Конституцияда қандай ҳолларда шахсларни қамокқа олиш ва ушлаб туриш мумкинлиги, қонунни бузган шахсларнинг жавобгарликлари кўрсатилган эди. Унда ҳам хусусий мулк муқаддас деб эълон қилинди. Конституцияда бепул халқ маорифи ташкил этилиб, уларнинг боқувчисиз қолган болаларга ва кам таъминланган оилаларга ёрдам бериши ва соғлом кишиларга иш излаётган вақтида ёрдам бериши белгиланган эди.

Конституциянинг «Қиролликнинг бўлиниши» деб аталган иккинчи бўлимида Франциянинг янги маъмурий-ҳудудий бўлиниши мустаҳкамланди. Унга кўра Франция оддий, унитар давлат деб эълон қилиниб, унинг ҳудуди 83 та департаментга, департаментлар округларга ва контонларга бўлинди. Маҳаллий маъмурият сайлов йўли билан ташкил қилинадиган бўлди. Қирол ҳокимияти маҳаллий бошқарув устидан назорат қилиш, департамент бошлиқларини ишдан бўшатиш ва департамент маъмурияти қабул қилган қарорларни бекор қилиш ҳуқуқларига эга бўлиб қолди.

Конституциянинг иккинчи қисмида Франция фуқаролигининг асослари, фуқаролик қасамёди, фуқароликни йўқотиш фақат

фуқаролик шартномаси асосида тузилганлиги, фуқароликнинг ҳақиқийлиги, черковнинг давлатдан ажратилганлиги, фуқаролик ҳолатини фақат давлат органлари томонидан рўйхатга олиниши ҳақидаги меъёрлар белгиланган эди.

Конституциянинг учинчи қисми «Давлат ҳокимияти» ҳақида деб номланиб, давлатнинг бошқариш шакли, сайлов ҳуқуқига оид меъёрлар белгиланган эди. Бу қисмда суверенитет-миллат кўлида, у ҳар қандай ҳокимиятнинг манбаи эканлиги, миллий ҳокимиятнинг ўзи сайлаган вакиллари орқали амалга оширилиши, бир палатали Миллий мажлис ҳамда қирол миллатнинг вакили эканлиги, яъни Францияда конституцион монархия ўрнатилганлиги мустаҳкамланган.

Конституцияда Ш. Монтескье ва Д. Локкларнинг ҳокимиятни тақсимлаш назарияси ўз аксини топди. Бунга кўра, қонун чиқариш ҳокимияти Миллий мажлисга ижроия ҳокимият қиролга, суд ҳокимияти эса халқ томонидан сайлаб қўйиладиган судьяларга тегишли бўлди.

Шу тариқа Конституция ҳокимиятларнинг тақсимланиши, монархиянинг чекланиши, миллий суверенитет ва вакиллик бошқарувига асосланган давлат тузумини ўрнатди.

Конституцияга биноан олий қонун чиқариш органи бир палатали Миллий мажлис икки йилга сайланарди ва қирол томонидан тарқатиб юборилиши мумкин эмас эди. Миллий мажлис депутатлари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланганлар. Депутатлар ўз мажбуриятларини бажариш чоғида содир этган ҳаракатлари ёки билдирган фикрлари учун жиноий жавобгарликка тортилишлари ва суд қилинишлари мумкин эмасди. Уларни умумий тартибда жиноий жавобгарликка тортиш учун Миллий мажлис розилиги талаб қилинарди.

Миллий мажлиснинг энг асосий вазифаси қонунлар қабул қилиш эди. Унинг томонидан қабул қилинган қонунлар лойиҳаси қирол тасдиғига юбориларди. Бироқ қирол томонидан рад этилган қонун лойиҳаси Миллий мажлиснинг икки марта янги сайланган таркиби томонидан қайта қабул қилинса, қонуний кучга кирарди. Яъни қирол Миллий мажлис чиқарган қонун ва бошқа актларга икки марта вето қўйиш ҳуқуқига эга эди. Учинчи марта эса уни имзолашга ва ижросини таъминлашга мажбур эди. Қирол вето ҳуқуқини молия ва конституцияга тааллуқли актларга умуман қўллай олмасди.

Миллий мажлис ваколатларига қуйидаги муҳим масалалар кирган:

- Ҳарбий ишлар соҳасида – қуролли кучлар миқдори ва таркиби ҳақида ҳар йили қарорлар чиқариш, уларни пул билан таъминланишини белгилаш, уруш эълон қилиш;

- молия соҳасида – ҳар йили бюджет тузиш ва тасдиқлаш, солиқлар белгилаш, давлат маблағларининг харажат қилинишини назорат қилиш;

- маъмурий бошқарув соҳасида – давлат мансабларини ўрнатиш ва тугатиш;

- адлия соҳасида – Юқори суд олдида министрларни ва бошқа олий мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, давлат хавфсизлигига қарши фитна уюштиришда гумонланувчи шахсларга нисбатан жиноий таъқиб қўзғаш;

- ташқи муносабатлар соҳасида – чет давлатлар билан шартномаларни ратификация қилиш.

Конституцияда шундай тартиб ўрнатилган эдики, унга биноан, Миллий мажлис сессиялари қирол хоҳиши билан эмас, бевосита қонун кучи билан қақрилиши лозим эди.

Ижроия ҳокимият қиролга топширилган эди. у буни ўзи тайинлаган министрлар ёрдамида амалга оширарди.

Конституцияда «Бундан буён қирол ўз хоҳиши билан эмас, балки конституцияда кўзда тутилган қонунлар билан ҳокимиятни бошқаради. У «худонинг ердаги ноиби» бўлиб эмас, балки «французлар қироли» бўлиб ҳокимиятни бошқаради» дейилган эди (3-қисм, 1-бўлим, 1-модда). Унда яна шундай белгиланади: «Қирол фақат қонун бўйича давлатни бошқаради ва фақатгина қонун номи билан халқни бўйсундиради. Францияда қонундан юқори ҳокимият йўқ» (3-қисм, 1-бўлим, 3-модда).

Демак, қиролнинг ижроия ҳокимияти анча чекланган эди. У фақат Миллий мажлис томонидан қабул қилинган доирасидагина фаолият юритарди. Контрассигнатура қоидаси жорий қилиниб, қирол фармойишлари тегишли министр томонидан имзолангандан кейин кучга кирарди. Бундай қабул қилинган қарор учун қирол эмас, имзо қўйган министр жавобгар эди. Министрлар қирол томонидан тайинланарди, лекин ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун Миллий мажлис томонидан судга берилишлари мумкин эди.

Конституцияда қирол «халққа ва қонунга» содиқлик ҳақида қасамёд қилади дейилган эди.

Бу конституцияга биноан қиролни тахтдан тушириш ҳам мумкин эди. Агар қирол 1) қасамёд қилмаса (3-қисм, 1-бўлим, 5-модда); 2) амалдаги ҳокимиятга қарши ҳарбий тўнтариш ясаसा, ёки ҳарбий тўнтаришга шароит яратиб берса (3-қисм, 1-бўлим, 6-модда);

3) умуман чет элга қочиб кетса (3-қисм, 1-бўлим, 7-модда) тахтдан туширилиши мумкин эди.

Бундай ҳолларда қирол «оддий фуқаролар сафига» кирарди (8-модда).

Конституцияда қирол ҳокимиятини чеклаш билан бир қаторда, бир қанча ҳуқуқлар ҳам берилди. Қирол давлат бошқарувида энг юқори мавқеини эгаллаб, жамоат тартиби ва тинчлигини сақлаш вазифаси унга юклатилди. У ҳарбий ва бошқа юқори давлат мансабдор кишиларни тайинлаш, уруш эълон қилиш ҳуқуқига эга эди. Қирол якка ҳолда министрларни тайинларди ва уларни ишдан бўшатарди ҳамда уларнинг иш фаолиятини бошқариб турарди. Қиролнинг фармойишларини ҳар бир министр бажариши шарт эди.

Конституциянинг 3-бўлим, 2-бобида қиролнинг конституциявий мақоми белгиланиб, «Қирол ҳокимияти бўлинмасдир, тахт ҳукмдор династиянинг эркаклари линияси бўйича биринчи туғилганига мерос қилиб қолдирилади, айрим ҳолларда хотинлар ва уларнинг авлодларига мерос қилинади» деб кўрсатилган эди.

Суд ҳокимияти халқ томонидан сайланадиган ва қирол томонидан тасдиқланадиган судьяларга берилди. Улар фақат суд тартибида ўрнатилган ҳолларда, мансабга оид жиноят содир этсалар алмаштирилиши мумкин эди. жиноий ишларни кўриб ҳал қилиш учун қасамхўрлар суди таъсис этилганди. Кассация суди ҳам ташкил этилади. У охириги инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукмлар устидан тушган шикоятлар ва бошқа суд ишларини мазмунан тўла кўриб чиқмаган, лекин суд иш юритиш тартибини бузиш ёки қонунларни бузиш йўли билан чиқарилган қуйи суд ҳукмини бекор қилиши мумкин эди. Бундай ҳолда кассацион суд ишни қайта кўриб чиқиш учун тегишли судга юборарди.

Конституцияда Юқори суд ташкил қилиш назарда тутилганди. Юқори суд министрларнинг ҳуқуқбузарликларини, шунингдек давлат хавфсизлигига таҳдид қилувчи жиноятларни кўриб ҳал қилиши лозим эди.

Конституциянинг сайлов тизимига бағишланган бўлимлари алоҳида аҳамиятга эга. Аслида бунда асосий масала – мамлакатни ким бошқариши масаласи ҳал қилинган.

Миллий мажлис депутатлари икки поғонали сайлов асосида сайланишлари лозим эди. Конституцияга биноан Франция сайловчилари фаол ва пасив гуруҳларга бўлиниб, фақатгина 25 ёшга тўлган, 3 кунлик иш ҳақи миқдорида солиқ тўлайдиган, қонунда кўзда тутилган вақт мобайнида муқим жойда яшаётган, муниципалитет миллий гвардияси рўйхатига олинган фаол

фуқароларгина давлат органларига сайланиш ҳуқуқига эга эди. Сайланувчиларнинг мол-мулки ёки маоши 100-400 кунлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Конституциянинг тўртинчи бўлими «давлат қуроли кучлари» деб номланиб, унда миллий гвардия тўғрисидаги низомлар белгиланди. Миллий гвардия қуроли кучларнинг мотивига кирмаслиги, у фаол фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этилиши, қўмондонлари маълум муддатга сайланиши кўрсатилган эди. Конституцияга биноан қуроли кучлардан мамлакатдаги ички тартибни кўриқлаш учун фақат парламент розилиги билан фойдаланиш мумкин эди.

Конституциянинг бешинчи бўлими «Давлат солиқлари»га бағишланиб, бунда солиқлар фақат парламент томонидан муҳокама этилиб, белгиланиши кўрсатилди.

Олтинчи бўлимда босқинчилик урушларидан ва бошқа халқларнинг эркинлигига қарши фойдаланиш тўғрисида кўрсатилган эди. Лекин бу конституция Франциянинг мустамлакаларида қўлланилмаслиги айtilган эди.

Еттинчи бўлим конституцион қарорларни қайта кўриш тўғрисида меъёрлар белгилаб, унга кўра қирол конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киргиза олмас эди. Қабул қилинган конституция Франция мустамлакаларига тааллуқли бўлмай, у ерларда қулчилик давом этаверди.

Конституцияда миллий суверенитет ва вакиллик бошқаруви принциплари ўз тимсолини топганди. Унда шундай дейилади: «Суверенитет миллатга тегишли: у бўлинмас, дахлсиз ва ажралмасдир. Халқнинг бирон-бир қисми, ҳеч қандай шахс уни амалга оширишни ўзлаштириб олиши мумкин эмас». Шу тариқа Конституцияда қирол ҳокимиятининг чексизлиги, илоҳий қудрати рад этилди. Қирол миллат иродаси билан тасдиқланади ва конституциявий қонунга итоат этади ва демак унинг ҳокимияти конституциявий чекланади.

Миллий суверенитетнинг конституциявий мустаҳкамланиши прогрессив ҳодиса ҳисобланиб, ундан цензли сайлов ҳуқуқининг асослаш учун фойдаланилган. Миллат ўз хоҳиши бўйича муайян доирадаги шахсларни сайлаш шартлари ва тартибини ўрнатиши, шунингдек маълум тайинланган шахсларга миллий ҳукуматни ишониб топшириши мумкин эди. Конституцияда миллатнинг ўзига тегишли ҳокимиятни амалга оширишга ўзи сайлаган ёки тайинлаган вакилларига ваколат бериши назарда тутилганди: «Миллат бутун ҳокимиятнинг ягона манбаи бўлиб, уни фақат ваколат бериш йўли билан амалга ошириш мумкин. Француз конституцияси вакиллик

характерга эга қонунчилик корпуси ва қирол вакиллар ҳисобланади» (III бўлим, 2-банд).

Конституция вакиллик бошқаруви тушунчасини киритиб, уни цензли сайлов ҳуқуқи билан чамбарчас боғлади. Бироқ вакиллик бошқаруви қатъий сайлов асосида бўлмади: қирол Миллий мажлис билан бир қаторда миллат вакили деб эълон қилинди.

Конституция қонун чиқариш ҳокимиятини Миллий мажлиснинг алоҳида депутатлари ўртасида бўлиниши имкониятини қатъиян инкор қилади. Унинг қонун чиқариш фаолияти алоҳида хоҳиш-истаклар йиғиндисининг ифодаси сифатида эмас, балки умумий оммавий ифоданинг ифодаланиши, деб ҳисобланган. Бунда депутат томонидан амалга ошириладиган ҳокимият унинг сайловчиларининг ҳокимияти эмас, бутун миллатнинг ҳокимияти эканлиги назарда тутилган. «Департаментлар бўйича сайланган вакиллар алоҳида департаментларнинг вакиллари эмас, бутун миллатнинг вакилидир...» (III бўлим, III қисм, 3-банд).

Конституцияга биноан депутатлар сайловчилар олдида жавобгар эмасдилар ва улардан мустақил эдилар. Депутатлар сайлов компанияси давомидаги ваъдалари билан боғлиқ эмас эдилар. «Сайловчилар депутатларга ҳеч қандай наказлар бера олмасдилар» (III бўлим, III қисм, 7-банд). Депутатни ўз сайловчилари томонидан чақириб олиниши тақиқланганди.

1791 йил кузининг охирига келиб конституциявий институтларнинг шаклланиши асосан ниҳоясига етди. Сайловлар давомидаёқ шу нарса маълум бўлдики, мамлакатнинг 24 миллион аҳолисидан фақат 4,3 миллионга яқин киши фаол фуқаролар ҳуқуқини олди ва бор-йўғи 40 мингга яқин киши сайланиши мумкин бўлди. Оқибатда йирик кана эгалари (банкирлар, мануфактура эгалари ва бошқалар) ўз депутатлари орқали қонун чиқариш ҳокимиятини, дворянлар эса қирол бошчилигида-ижроия ҳокимиятини қўлга киритдилар. Инқилобнинг дастлабки ойларидаёқ вужудга келган йирик буржуазия билан дворянларнинг ўзаро келишуви ҳокимиятларнинг конституциявий тақсимланишида ўзининг амалий ифодасини топди.

Кўпчилик депутатлар консерватив кайфиятда эдилар-улар инқилобни тугади деб ҳисобладилар.

Халқ мамлакатдаги вазиятни бошқача баҳолади. Дехқонлар, аграр қонунлардан қаноатланмай, ер учун, сеньорлик мажбуриятларининг тўла тугатилиши учун курашни кучайтирдилар. Шаҳарлик меҳнаткашлар ишсизликка, нарх-навонинг ошишига қарши амалий чора-тадбирлар ўтказилишини талаб қилдилар. Кўп

шаҳарларда меҳнаткашлар оммаси билан миллий гвардия ўртасидаги тўқнашувлар бўлиб ўтди.

Бу вақтда дворянлар-аксилинқилобчи монархиячилар ўз фаолиятини жонлантирди. Қасамёд қилмаган католик руҳонийларнинг монархия тўғрисидаги ташвиқотлари бирданга кучайиб кетди.

Бундай шароитларда конституция ўзининг ҳаётий эмаслигини намоён қилди.

1791-1792 йиллардаги Миллий мажлис нисбатан иккинчи даражали масала юзасидан ажроия ҳокимият билан доимо низолаша бориб, аксилинқилобга қарши жиддий чоралар қабул қилмади.

Сиёсий гуруҳлар. Курашларнинг кескинлашуви антифеодал лагерда сиёсий кучларнинг ажралиб кетишини тезлаштирди. Таъсис мажлисининг депутатлариёқ муҳим масаллар бўйича ўхшаш қарашларга риоя қилиб, ягона линия ишлаб чиқиш учун фракция йиғилишларига тўпланиб турардилар. Мажлисдан ташқари худди ўша мақсадларда клублар ташкил қилинган. Клублар ягона фикрли кишиларнинг ўзига хос бирлашиш шакли бўлиб қолди. Инқилоб даврида сиёсий клублар катта роль ўйнади, бу клублар мамлакатни ташвишга солган энг муҳим масалалар устидан мунозаралар олиб бориладиган марказ бўлиб хизмат қилди. 1789 йил ёзида Версалда вужудга келган Бретин клуби дастлабки клублардан эди. Унинг таркибида учинчи тоифанинг вакиллари, буржуалашган дворян-либералларнинг раҳбарлари, буржуа демократлар бор эди. Улар конституцион-монархистлар эди. 1789 йилнинг 5-6 октябридаги оммавий ҳаракатдан кейин, қирол ва мажлис билан биргаликда Бретин клуби ҳам Версалдан Парижга кўчиб келди, бу ерда клуб аъзолари «Конституция дўстлари жамияти» деб номланган янги клуб ташкил қилганлар, лекин унинг номи бир бинонинг номидан олиниб Якобинчилар клуби деб аталди, унинг мажлислари шу бинода бўлар эди: бу бино авлиё Яков монастрининг кутубхонаси эди. якобинчилар клубининг провинцияда филиаллари бор эди: 1790 йилда-100 тача, 1791 йилнинг бошларида-227 та филиали, ўша йилнинг июнида эса 406 та бўлими бор эди. Шу тариқа провинциал шаҳарларда ҳам ўз бўлимларига эга бўлган Париж клублари катта аҳамият касб этган. Клублар маълум сиёсий кур тарафдорларини бирлаштириб турардилар ва шу йўл билан ўша вақтда Францияда мавжуд бўлмаган сиёсий партияларнинг ўрнини тўлдирардилар.

Сиёсий группировкалардан биронтаси ҳам ўзини қандайдир ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи вакил деб ҳисобламаган. Кўпчилик ўзининг клубдаги иштирокини Маърифатнинг муайян ғояларини ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича

субъектив қабул қилган. Бироқ объектив жиҳатдан, улар ўзларининг ижтимоий келиб чиқишларига қараб кўпроқ у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг мавқени ҳимоя қилардилар.

1791 йилга келиб учта асосий группировка шаклланган эди. якобинчилар клуби ичидаги ихтилофлар натижасида ундан **Фельянлар** клуби деб ном олган янги группировка ажралиб чиқади. Бу клуб илгари Фельянлар ордени монахларига қарашли монастрь биносига жойлашгани учун шундай деб аталган эди. унда дворянларнинг ва йирик буржуазиянинг инқилобга қарши курашиш учун жипслашган конституцион-монархиячи вакиллари бирлашди.

Жиронда департаментидан сайланган депутатлар раҳбарлик қилган **жирондистлар** асосан савдо-саноат, биринчи навбатда провинциал, ўрта ҳол буржуазия вакилларидан иборат эди. якобинчилар эса майда, қисман ўрта ҳол буржуазиянинг, хунармандлар ва деҳқонларнинг манфаатларини ифода этарди.

1789-1791 йилларда мамлакат сиёсий ҳаётида фельянлар ҳукмронлик қилган.

3. Жирондистлар республикаси

1792 йилда мамлакатдаги сиёсий курашга инқилобий Франция атрофида юз бераётган ташқи сиёсий аҳвол тобора кўпроқ таъсир ўтказа бошлади. Францияга қарши Европанинг йирик монархияларининг ҳарбий коализацияси вужудга келди. Инқилобий Францияни ҳарбий жиҳатдан тор-мор қилиш ва унда эсуғки тартибларни қайта тиклаш коализациянинг мақсади деб эълон қилинди. Исёнчи дворянлар ўзларининг келажакка бўлган умидларини чет эл босқинчиларига боғладилар. Қирол саройи фитна маркази бўлиб чиқди ва мамлакатни урушга тортди.

Натижада халқнинг монархиядан норозилиги кучайди. Бу норозиликлар айниқса қиролнинг чет эл интервенциясига бошчилик қилиш мақсадида қочишга уриниши муваффақиятсиз чиққандан сўнг янада ўсди. Халқ хали қиролнинг хиёнати ҳақида далилларга эга эмасди, бироқ у саройнинг ниятларини, унинг дворян эмигрантлар ва Францияга душман чет эл ҳукуматлари билан махфий алоқаларини тушуниб етди.

Бу вақтга келиб пойтахтнинг ўзини ўзи бошқарувчи органи-Париж Коммунасининг аҳамияти ортди. У Париж секциялари (маъмурий бирликлар – пойтахтнинг алоҳида районлари маҳаллий бошқарув органлари) вакилларидан иборат эди. Ҳар бир секция Коммунага учтадан сайланган делегатларини юборган. Секциялар Генерал штатларга сайловлар вақтидаёқ вужудга келган эди (у вақтда Генерал штатларга сайловчиларнинг район кенгашлари бўлган). Инқилоб ғалаба қозонгандан кейин улар шаҳарнинг

тегишли районларида бошқарувни очикдан-очик ўз қўлларига олганлар. Дастлаб Коммунада фельянлар, сўнгра жирондистлар устун таъсирга эга бўлганлар, лекин якобинчилар тарафдорларининг сони тобора ортиб борган.

1792 йил 10 август тунда кўзғолончиларнинг Париж Коммунаси ташкил топди (унда якобинчилар кўпчиликни ташкил этарди). Унга аввалги Коммунанинг кўп қисми (80 кишига яқини) кўшилди.

1792 йил 10 августда штурм билан қирол саройи олинди, фельянлар бошқаруви ағдарилди. Людовик XVI ҳокимиятидан воз кечтирилди. Қонун чиқарувчи мажлис уни қамоққа олмади ва унга Люксембург саройини резиденция қилиб берди, аммо Коммуна ўз ҳокимиятини ишга солиб, Людовик XVIни қамоққа олди ва уни Тампль қалъасига солди. Қонун чиқарувчи мажлис Людовик XVI нинг министрларини ўрнидан олиб, янги ҳукумат-кўпчилиги жирондистлардан иборат бўлган Муваққат ижроия кенгаши тузди. Фақат биргина монтаньяр – Дантон ҳукумат таркибига адлия министри бўлиб кирди. Миллий Конвент чақириш тўғрисида декрет чиқарилди. Бу декретда 21 ёшдан кам бўлмаган эркакларнинг ҳаммасига сайлов ҳу=у=и берилди. Тарихда биринчи марта эркаклар учун умумий сайлов ҳукуқи жорий қилинди. Шундай қилиб, меҳнаткашлар оммасининг қуролли кўзғолони натижасида монархия ағдариб ташланди ва 1791 йилги конституция ўрнатган ценз тизими тугатилди. Бироқ Конвентга тўппа-тўғри сайлов эмас, балки икки поғонали сайлов ўтказилди. Қонун чиқарувчи мажлис сайлов тизимини изчиллик билан демократлаштириб боришга кўнмади.

Ғолибона халқ кўзғолони Францияда минг йилдан бери ҳукумронлик қилиб келган монархияни ағдариб ташлади. Революция ўз тараққиётининг янги, янада юксак босқичига кўтарилди.

Коммуна Қонунчилик мажлисини қатор муҳим қарорлар қилишга мажбур этди. 10 август декретлари билан қирол ижроия ҳокимият бошлиғи вазифларидан четлаштирилди, Қонунчилик мажлисига вақтинчалик министрларни тайинлаш ҳукуқи берилди (лекин бунда министрларни Қонунчилик мажлиси аъзоларидан бўлмаслиги керак эди), давлат ҳокимиятининг янги олий органи – Миллий конвентига кирилиши ҳақида эълон қилинди.

1792 йил 11 августдаги декрет Конвентга сайловларнинг янги тартибини ўрнатди. Бунга кўра, халқнинг бошланғич мажлислари охирги сайловлар вақтида қанча сайловчи вакиллар сайланган бўлсалар, шунча миқдорда сайловчи вакиллар сайланиши лозим бўлди. Французларнинг актив ва пассив фуқароларга бўлиниши тугатилди. 21 ёшга тўлган, муайян ҳудудда бир йилдан кам

яшамаган, даромадлар ёки иш ҳақи ҳисобига яшайдиган ва хизматкорлар ҳисобланмаган французларга сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Депутат ёки сайловчи вакил сифатида сайланиш учун 25 ёшга тўлган бўлишлик ва юқоридаги шартлар талаб қилинарди. Сайловлар Қонунчилик мажлисига сайловлар сингари усулда ўтказиларди. Барча муниципалитетларга ва судларга янги сайлов ҳуқуқи, янги сайловлар ўташ ҳақида қарор қабул қилинди.

Кейинги кунларда Праиж Коммунаси бир қанча аксилинкилобчиларни қамоққа олди. Улар устидан суд қилиш учун Миллий мажлис 1792 йил 17 августдаги декрети билан **Фавқулодда жинойт трибунал** таъсис этилди.

Аралаш ҳукумат ўрнига Қонунчилик мажлиси асосан **Муваққат ижроия кенгаш** тузди.

1792 йил сентябрда Конвентга сайловлар ниҳоясига етди 783 та депутатлар сайланди. Булардан 34 таси колониялардан сайланган эди. Депутатларнинг 200 га яқини жирондистлар, 100 га яқини яқобинчилар эди. Яқобинчилар Конвентда юқоридан жой олдилар. Шунинг учун уларни «тоғликлар» (монтаньянлар) деб атай бошладилар. Кўпчилик депутатлар ҳеч қандай группировкага кирмадилар.

Конвент ўз ишини интервентлар устидан Вальмедани ғалаба кунлари бошлади. Умумхалқ байрами ва юқори кўтаринкилик руҳида ўтган мажлисда томонларнинг вақтинча ярашуви кузатилди. Конвент Францияда монархиянинг тугатилганлигини ва 1791 йилги Конституция бекор қилинганлигини, шу билан бирга фуқароларнинг актив ва пассив фуқароларга бўлинишини (1792 йил 21-22 сентябрдаги декрет билан) амалда бир овоздан тасдиқлади.

1792 йил 25 сентябрдаги декрет билан Франция ягона ва бўлинмас республика деб эълон қилинди.

Шу билан бирга энг муҳим масала – қишлоқда феодал муносабатларни батомом ва тўла тугатиш масаласи ҳал қилинмай қолди (1792 йилда кузда жирондистлар дехқонларнинг манфаатларига жавоб берувчи муҳожирлар ерларини муддатсиз эгаликка ўтказиш ёки сотиш ҳақидаги август декретларини ҳақиқатдан бекор қилдилар). 1792-1793 йилларда дехқонлар ҳаракати яна кучайди.

Озиқ-овқат муаммоси ҳам кескинлигича қолди. Мамлакатда нон етишмас эди, лекин озиқ-овқат сотиш билан шуғулланувчи савдогарлар, бадавлат дехқонлар донни кўлда ушлаб турдилар, сунъий равишда озиқ-овқат маҳсулотларини етишмаслиги ҳолатини вужудга келтирдилар. Бундан мақсад уларга бўлган нархларни

ошириш эди. Натижада омборхоналарга ва озиқ-овқат ортилган транспортларга бир неча ҳужумлар бўлиб ўтган. Ишчилар озиқ-овқат маҳсулотларига мустаҳкам нарх жорий қилиш учун қатъий курашдилар.

1793 йил мартда Венделда реалистлар исёни қўтарилди. Ўша вақтда, худди 1792 йил август кунларига ўхшаб, фронтдаги аҳвол ҳам бирданига ёмонлашди.

4. Якобинчилар республикаси

1793 йил 31 майдан 2 июнгача бўлиб ўтган халқ қўзғолони жирондистлар ҳукмронлигига барҳам берди. Куролланган фуқаролар ва миллий гвардиячилар якобинчилар раҳбарлигида ва Париж Комунасининг қўзғолон комитети бошчилигида 2 июнда жирондистларни Конвентдан ҳайдаб чиқардилар.

Жирондистларнинг ағдарилиши ва тоғликларнинг (монтаньяларнинг) тантанаси буюк француз инқилобининг учинчи босқичга ўтганлигини – якобинчилар диктатурасининг ўрнатилганлигини билдирар эди.

Якобинчилар ўз ҳукмронлигини феодаллардан мусодара қилинган ерларни деҳқонларга сотиш ҳақида қонун чиқариш билан бошладилар. Чунки деҳқонларнинг ерга эга бўлиш билан боғлиқ жуда муҳим ҳаётий манфаатлари шу вақтгача тўла қондирилмаган эди ва улар ўз талабларининг бажарилиши йўлида курашни давом этирардилар. Шу сабабли Конвент 3 июнда махсус декрет қабул қилди. Бу декретга мувофиқ, эмигрантлардан мусодара қилиб олинган ерлар майда участкаларга бўлинди ва узок муддатга тўлаш шарти билан сотилди. Бу декретда эмигрантларнинг жамоа ерлари йўқ жойлардаги мулкларидан қишлоқнинг ҳар бир камбағалига бир арпандан (қарийб 0,5 гектардан) ер ажратиб бериш кўзда тутилган эди.

Якобинчилар Конвенти 10 июнда яна бир муҳим қонун қабул қилди. Унга мувофиқ помещикларнинг жамоалардан тортиб олган ерлари жамоаларга қайтариб бериладиган бўлди ва жамоадаги аҳолининг камида тўртдан уч қисми хоҳлаган тақдирда, жамоа ерларини аҳоли жон бошига тенг баравар тақсимлашга ижозат берилди.

Якобинчиларнинг аграр сиёсатида 1793 йил 17 июль декрети асосий аҳамиятга эга бўлди. Бу декрет билан Конвент феодалларнинг ҳуқуқларини ҳеч қандай тўловсиз, бепул ва узил-кесил тугатди. Феодалларнинг актлари ва бошқа ҳужжатлари ёқиб ташланадиган бўлди, уларни сақлаган одамларга каторга жазоси берилади, деб эълон қилинди.

Лекин, якобинчилар кенг деҳқонлар оммасининг кўйган барча талабларини охиригача амалга оширишга қобилиятсиз бўлиб чиқдилар. Деҳқонлар фақат феодал мажбуриятларга қарши курашиб кўя қолмадилар. Улар ер учун ҳам, жумладан, йирик фермаларни тақсимлаш учун ҳам, нисфикорликни, яъни Францияда ердан фойдаланишнинг ғоят кенг тарқалган бу ярим феодал формасини бекор қилиш учун ҳам курашдилар. Ерсиз ва ери оз деҳқонларнинг кенг оммасини асоратга туширган ижара масалаларида Конвент ҳеч нарса қилмади. Дворянларнинг мулкларидан фақат қочиб кетган кишиларнинг ерлари мусодара қилинди, холос. Якобинчилар деҳқонлар орасида ерни пулсиз тақсимлашни ҳам, ерни национализация қилишни ҳам амалга оширмадилар.

Шунга қарамай, якобинчиларнинг аграр масаласидаги қонунлари умуман жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Якобинчиларнинг аграр масаласидаги қонунлари феодализмнинг томирларини кўпорди ва феодалларга қарам бўлган собиқ деҳқонларни майда эркин мулкдорлар оммасига айлантirdи. Майда эркин мулкдорлар интервентлар армияларга қарши ва дворян-катта ер эгаларининг феодал имтиёзларни қайта тиклаш йўлидаги уринишларига қарши курашда революцион Франциянинг мустақкам таянчи бўлдилар.

Конвент қарорлари зудлик билан ҳаётга жорий қилина бошлади.

Натижада деҳқонларнинг кўпчилиги эркин майда мулкдорларга айланди. Бироқ бу йирик ер эгаллиги тугатилганлигини англамасди. Барча помещикларнинг эмас, фақат эмигрантлар, черковлар, аксилинқилобчиларнинг ерлари мусодара қилинганди, кўпгина ерлар шаҳар ва қишлоқ буржуазияси томонидан сотиб олинганди. Ерсиз деҳқонлар ҳам сақланиб қолди.

Миллий Конвент янги жамият принципларини мустақкамлаш учун 1793 йил 7 сентябрдаги декрети билан «ҳеч бир француз, қандай соҳада бўлмасин, ҳамма фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан кўрқитиш остида феодал ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин эмас» деб эълон қилди.

Якобинчилар билан шаҳар камбағаллари ўртасидаги мустақкам алоқа учун шу нарса характерли эдики, фавқулодда ҳолатлар (озиқ-овқат қийинчиликлари, қимматчиликнинг ўсиши ва бошқалар) талаб қилганда улар савдонинг эркинлиги ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги принципларидан бир неча марта чекинишга мажбур бўладилар.

Конвент 1793 йил июлда биринчи зарурий буюмлар билан чайқовчилик, олиб сотарлик ва яширганлик учун ўлим жазоси

жорий қилди, 1793 йил сентябрдаги декрет билан асосий истеъмол маҳсулотларининг ҳаммасига қатъий нарх белгилади.

Конвентнинг 1794 йил 26 феврал-3 мартда қабул қилинган ва **Вантоз декретлари** деб аталган қонунларида инқилоб душманлари деб эълон қилинган кишиларнинг мол-мулки мусодара қилиниши ва бу мулклар камбағал ватанпарварлар орасида бепул тақсимланиши назарда тутилган эди. Бироқ шаҳар ва қишлоқ камбағаллари томонидан зўр хайрихоҳлик билан кутиб олинган Вантоз декретлари ҳаётга тадбиқ қилинмади. Унинг амалга оширилишига инқилобнинг янада чуқурлашиб кетишини истамаган барча сиёсий унсурлар Конвентда ва ҳукумат аппаратида зимдан қаршилик кўрсатдилар. Бу декретларнинг амалга оширилиши йирик мулкдорларни иқтисодий ва сиёсий қуролсизлантиришини бу унсурлар жуда яхши тушунар эдилар. Улар Конвентда («ботқоқлар» сафида) ҳам, ҳукумат аппаратида ҳам хийла катта таъсирга эга бўлганликлари учун, вантоз қонунларининг амалга оширилишига ҳалақит берганлар. Шу тариқа бу декретлар ҳақиқатдан ҳам амалга оширилмай қолиб кетди.

Конвент 1794 йил 11 майда давлатнинг нафақалар тизимини жорий қилишга қаратилган муҳим декрет қабул қилди. Унда давлатдан ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган ногиронлар, етим-есирлар, ишга яроқсизлар, таъминотсиз қариялар рўйхатини тузиб чиқиш назарда тутилганди. Шунингдек мустамлакалардаги қуллик бекор қилинди ва ҳоказо.

Якобинчиларнинг энг муҳим ҳужжатлари – 1793 йилги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» ва Конституция бўлган эди.

«Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» 1789 йилги декларациядан фарқ қилиб, Ж.Ж.Руссонинг «халқ суверенитети» ҳақидаги ғояларини ўзига назарий асос қилиб олган эди. у илгариги декларацияга нисбатан анча катта ҳажмда бўлиб, 35 та моддадан иборат эди. Декларациянинг 1-моддасида «жамиятнинг мақсади – ялпи бахт-саодатга эришишдир» деб эълон қилинди. Унда, шунингдек, ҳукумат инсоннинг табиий ва ажратиб бўлмайдиган ҳуқуқларини таъминлаш учун ўрнатилганлиги кўрсатилади. Декларацияда бундай ҳуқуқлар сифатида тенглик, эркинлик, хавфсизлик, мулкка эгалик қилиш (2-модда) кабилар белгиланади. Унда айтилишича, «ҳамма кишилар табиатан ва қонун олдида тенгдирлар» (3-модда). «Қонун умумий ироданинг эркин ва тантанали ифодасидир. У хомийлик кўрсатишда ҳам, жазо беришда ҳам ҳамма учун бир хил. У фақат жамият учун адолатли ва фойдали бўлган нарсаларни буюриши мумкин. У фақат жамият зарарли бўлган нарсаларни тақиқлаши мумкин» (4-модда).

Декларация «барча фуқароларни ижтимоий мансабларни эгаллашда тенг ҳуқуқли эканликларини» белгилйди (5-модда). «Эркинлик, -дейилади декларацияда,- бошқа кишиларнинг ҳуқуқларига зарар келтирмайдиган инсонга хос нарсани қилиш имкониятидир, эркинликларни таъминлаш учун қонун мавжуд» (6-модда).

Декларациянинг 7-моддасида сўз, фикр, матбуот, йиғилишлар ўтказиш, диний эътиқод эркинликлари чекланишига йўл қўйилмаслиги кўрсатилади. Бундай ҳуқуқларнинг эълон қилиш зарурияти деспотизмнинг ёки у ҳақидаги хотираларнинг мвжудлигини тахмин қилади.

Декларацияда хавфсизлик ҳуқуқига давлат томонидан жамиятнинг ҳар бир аъзосини шахс тарақисида унинг ҳуқуқлари ва мол-мулкани ҳимоя қилиш сифатида қаралган (8-модда). «Қонун ҳуқумронлар томонидан қилинадиган жабр-зулм қилишга қарши ижтимоий ва алоҳида эркинликни ҳимоя қилиши зарур» (9-модда). «Қонунда кўрсатилган ва белгиланган тартибдан ташқари ҳеч ким айбдор деб ҳисобланиши, ушлаб турилиши ва ҳибсга олиниши мумкин эмас. Қонун номи билан чиқарилган ёки ҳибсга олинган ҳар бир фуқаро сўзсиз бўйсунуши лозим; қаршилиқ кўрсатган тақдирда у жавобгарликка тортилади» (10-модда).

Декларацияда қонунийлик принципи ҳам мустаҳкамланган. У қонунда назарда тутилмаган ёки ўрнатилган қонуний шаклни бузган ҳолда содир этилган ва шахсга қарши қаратилган ҳар қандай хати-ҳаракатни ўзбошимчаликка ва жабр-зулмга асосланган ҳаракат деб ҳисоблайди. Бундай ҳаракат мазкур шахс куч билан қаршилиқ кўрсатиш ҳуқуқига эга эди (11-модда).

Декларацияда бундай хатти-ҳаракатларни содир этишни сўраган, тайёрлаган, имзолаган, бажарган ёкт уларнинг бажарилишига буйруқ берган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши лозимлиги кўрсатилади (12-модда).

Декларацияда айбсизлик презумпцияси (13-14-моддалар) ва суд томонидан бериладиган жазоларнинг содир этилган жиноят оғирлик даражасига мослиги (15-мода) принципларини мустаҳкалайди.

Декларациянинг 16-моддасида мулк ҳуқуқига тушунча берилади. Унга биноан, мулк ҳуқуқи деганда ҳар бир фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мулкдан, ўз даромадларидан, ўз меҳнат натижаларидан ва ўзи ишлаб чиқарган нарсалардан ўз хоҳишича фойдаланиш ва эгалик қилиши тушунилган.

Фуқароларнинг меҳнатдан хоҳлаган турини танлаш, деҳқончилик, саноат, савдо билан шуғулланиш эркинлиги Декларациянинг 17-моддасида мустаҳкамланган эди.

18-моддада белгиланишича «ҳар ким шартнома бўйича ўз хизматлари ва вақтини тақдим қилиши мумкин; лекин сотилиши, сотилган бўлиши мумкин эмас; унинг шахси бегоналашадиган мулк эмас. Қонун ҳеч қачон хизматкор мавжуд бўлишига йўл қўймайди; фақат меҳнаткашлар билан ёлловчилар ўртасида хизматлар ва ҳақ тўлаш ҳақида ўзаро мажбурият бўлиши мумкин».

Декларацияга мувофиқ «ҳеч ким ўз мулкининг озгинагина қисмидан ҳам унинг розилигисиз маҳрум қилиниши мумкин эмас». Фақат қонун билан ўрнатилган тартибда зарурият туғилганда ва фақат адолатли тарзда ҳамда олдиндан тўлаш шарти билан олинши бундан мустасно (19-модда).

Декларацияда солиқларнинг адолатли бўлиши ва фақат умум фойдасига олинши лозимлиги белгиланади. «Ҳеч бир солиқ умумнинг фойдаси манфаатларидан бошқача тарзда ўрнатилиши мумкин эмас. Барча фуқаролар солиқлар ўрнатишда иштирок этиш, солиқлардан келган тушумларнинг ҳаражат қилинишини кузатиш ва улар бўйича ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқига эга» (20-модда).

«Жамият, - дейилади Декларациянинг 21-моддасида, - камбағал фуқароларга иш топиб бериш ва ишга яроқсизларни тирикчилик учун зарур маблағ билан таъминлаш йўли ила боқиш тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбурдир».

«Илм олиш, - дейилади 22-моддада, - умумий эҳтиёжни ташкил қилади. Жамият ўзининг барча воситалари билан халқ маорифи ютуқларига кўмаклашиши ва маорифни барча фуқароларнинг бойлиги қилиши лозим».

Декларацияга биноан «умумий кафолат ҳар кимга унинг ҳуқуқларидан фойдаланишида ва бу ҳуқуқларни ҳимоя қилишида кўмаклашишига қаратилган ҳамма нарсалардан иборатдир: бу кафолат халқ суверенитетига асосланади» (23-модда). «Агар оммавий функцияларнинг чегаралари қонун билан аниқ белгиланган бўлмаса ва агар ушбу функцияларни амалга оширувчиларнинг ҳар бирининг жавобгарлиги таъминланган бўлмаса умумий кафолат мавжуд бўлиши мумкин эмас» (24-модда).

Декларацияга биноан «суверенитет халққа таянади; у ягона, бўлинмас, муддат ўтиши билан тугатилмайди ва ажралмасдир» (25-модда). «Халқ бирон бир қисми халққа тегишли ҳокимиятни амалга ошириш мумкин эмас, лекин олий мажлиснинг ҳар бир қисми ўз иродасини мутлақо эркин ифодалаш ҳуқуқидан фойдаланиши лозим» (26-модда). «Халққа тегишли бўлган суверенитетни

ўзлаштирган ҳар бир киши зудлик билан ўлимга маҳкум этилади» (27-модда).

Декларацияда халқнинг ўз конституциясини қайта кўриб чиқиш, унга тузатишлар ва ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи мавжудлиги» эътироф этилади. «Бироқ бир авлод ўз қонунлари билан келажак авлодни бўйсундириши мумкин эмас» (28-модда). «Ҳар бир фуқаро қонунлар яратишда иштирок этишда ва ўз вакилларини тайинлашда тенг ҳуқуқлидир» (29-модда).

Декларацияда кўрсатилишича, «давлат мансаблари моҳиятан вақтинчадир: уларга орден, мукофот сифатида эмас, фақат мажбурият сифатида қараш керак» (30-модда).

31-моддада «халқ вакиллари ва унинг агентлари жинойт содир қилсалар ҳеч қачон жазосиз қолмасликлари» лозимлигини белгилайди. «Ҳеч ким бошқа барча фуқароларга нисбатан катта дахлсизликка даъво қилиш ҳуқуқига эга эмас».

Декларациянинг 32-моддасида петиция бериш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Унга кўра, «давлат ҳокимияти вакилларига петиция бериш ҳуқуқи ҳеч қачон бекор қилиниши, тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин эмас».

Декларацияда жабр-зулмга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига табиий ҳуқуқ сифатида эмас, «инсон ҳуқуқларидан келиб чиқадиган оқибат» (33-модда) сифатида қаралади. Унга биноан «жамиятнинг битта аъзосига бўлса ҳам жабр-зулм қилиш бутун ижтимоий иттифокқа жабр-зулм қилиш ҳисобланади. Бутун ижтимоий иттифокқа жабр-зулм қилиш эса жамиятнинг ҳар бир аъзосига жабр-зулм қилишдир» (34-модда).

Ва ниҳоят, Декларациянинг сўнгги 35-моддасида агар «ҳукумат халқнинг ҳуқуқини бузса» халқнинг кўзғолон кўтаришга ҳақли эканлиги ва бу «халқнинг муқаддас ҳуқуқи» ҳамда «кечиктириб бўлмайдиган мажбурияти» эканлиги кўрсатилади.

1793 йилги Конституция: Якобинчиларнинг декларацияси уларнинг 1793 йилги Конституциясига асос қилиб олинди. Конституция икки ҳафта мобайнида ишлаб чиқилди ва 1793 йил 24 июнда ўтказилган референдумда тасдиқланди. Референдумда мамлакатдаги 7 млн. овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган французлардан бор-йўғи 2 млн. киши иштирок этган эди.

Конституцияда декларациянинг демократик принциплари аниқлаштирилди ва Франциянинг давлат тузуми белгиланди. У давлатни ташкил этишнинг баъзи муҳим демократик принципларини мустаҳкамлади, бошқарувнинг республика шакли ўрнатилганлигини тантанали равишда тасдиқлади. Конституциянинг

1-моддаси «Республика ҳақида» бўлиб, унда «Француз республикаси ягона ва бўлинмас» деб эълон қилинди.

Конституция халқ суверенитети принципини мустаҳкамлаб, «барча французлар биргаликда суверен халқ ҳисобланади» (7-модда) деб белгилади. «Халқ бевосита вакиллар сайлайди» (8-модда). У ўзи сайлаган сайловчи вакилларига «бошқарув органини, ижтимоий ҳакамлик воситачиларни, жиноий ва фуқаролик судларини сайлашни топширади» (9-модда). «Халқ қонунларни муҳокама қилади ва қабул қилиш ҳақида қарор қилади» (10-модда).

Шу тариқа Конституция олий ҳокимият суверен халққа тегишли деб эълон қилди. Умумий сайлов ҳуқуқи (фақат эркаклар учун) ўрнатилди. Олти ойдан кам бўлмаган вақт мобайнида доимий турар жойига эга бўлган барча фуқароларга сайлаш имконияти тақдим қилинди. Бу ҳақда Конституциянинг 11-моддасида шундай дейилади: «Бошланғич мажлислар муайян кунда олти ой давомида яшаш жойига эга бўлган фуқаролар таркибида ташкил қилинади». Конституциянинг «Халқ вакиллиги ҳақида»ги бобида қуйидагича нормалар белгиланади: «Ҳар бир бошланғич мажлис 39.000 дан 41.000 тагача кишидан иборат таркибда йиғилиб, биттадан вакил сайлайди» (23-модда). Фуқаролик ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир француз республиканинг ҳамма жойида сайланиши мумкин» (28-модда). «Ҳар бир вакил тўлалигича бутун миллатга тегишли» (29-модда). «Француз халқи ҳир йили биринчи майда сайловлар ўтказиш учун йиғилади» (32-модда).

Конституцияга биноан Францияда туғилган ва яшаш жойига эга бўлган ҳар бир киши француз фуқаролигини олиш ҳуқуқига эга эди. У 21 ёшдан бошлаб француз фуқаролиги ҳуқуқларини амалга оширишга кириша оларди. Бу ҳуқуқларни 21 ёшга тўлган Францияда бир йил давомида ўз меҳнати билан яшаб келаётган, ўз меҳнати билан мулкка эга бўлган ёки француз аёлига уйланган, ёки французни фарзандликка олган ёки кекса французни ўз боқувига олган ҳар бир ажнабий олиши мумкин эди. Шунингдек, Қонунчилик Корпусининг фикри бўйича инсоният олдида етарли даражада хизмат кўрсатган ҳар бир ажнабий ҳам француз фуқаролиги ҳуқуқларига эга бўла оларди (4-модда).

Конституцияга мувофиқ олий қонун чиқариш ҳокимияти Қонунчилик корпуси (Миллий мажлис)га тегишли бўлди. Унда «Қонунчилик корпуси ягона, бўлинмас ва доимий ҳаракат қилади» (39-модда), деб эълон қилинди. Қонунчилик корпуси бир палатали бўлиб, бир йилга сайланарди. «Миллий мажлис йиғилишлари ошқора» (46-модда) эди. Унинг баённомалари чоп этиларди (47-модда). Қонунчилик корпусининг бундай қисқа муддатга

сайланиши, Робеспье фикрича, депутатларнинг сайловчилардан хаддан ташқари ажралиб қолиши имкониятини истисно қиларди.

Руссонинг халқ суверенитети ғоялари руҳида оддий фуқароларнинг қонун ижодкорлик жараёнида иштироки назарда тутилганди. Жуда муҳим масалаларни умумхалқ овозига қўйиш орқали ҳал этиш тизими жорий қилинганди.

Қонунчилик корпуси қонунлар таклиф қилиш ва декретлар чиқариш (53-модда) функциясига эга эди. у фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи, республиканинг кундалик дароматлари ва ҳаражатларига умумий раҳбарлик, миллий кўчмас мулк, танга-чақа пуллар зарб қилиш, қийматини белгилаш, солиқлар тури, миқдорини белгилаш ва ундириш тартиби, уруш эълон қилиш, ҳудудий бўлиниш, халқ маорифи ва бошқа муҳим масалалар бўйича қонунлар таклиф қилиш ваколатига эга эди (54-модда).

Миллий мажлис томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаси департаментларга жўнатилгандан кейин 40 кун ичида уларнинг ярмидан кўпида ҳар бирининг бошланғич мажлисларининг ўндан бир қисми томонидан қайтарилмаса, лойиҳа қабул қилинган ҳисобланарди ва қонуний кучга кирарди (59-модда). Бундай тартиб Конституциянинг «фақат халқ қонунларни муҳокама қилади ва қабул қилади» (10-модда) деб ўрнатган халқ суверенитети ғояларини ҳаётга сингдиришга уриниш эди.

Агар халқнинг бошланғич мажлислари қонун лойиҳасини қайтарса, у ҳолда барча бошланғич мажлисларнинг фикри тўпланган ва уларнинг қарори қатъий ҳисобланган.

Қонунчилик корпуси шунингдек умумхалқ муҳокамаси талаб қилмайдиган декретлар чиқариш ҳуқуқига ҳам эга эди. Декретлар қонунлар доирасига кирмаган барча масалалар бўйича чиқарилиши мумкин эди.

Қонун чиқарувчи мажлис, конституцияга биноан, бошланғич ва департаментлар мажлислари тақдим қилган номзодлар жумласидан 24 аъзодан иборат Ижроия кенгашни тайинлаб қўяр эди (62-модда). Ижроия кенгаш аъзолари уч босқичли сайловларда сайланардилар. Бунда дастлаб бошланғич мажлислар сайловчилар вакилларни сайлайдилар, сўнгра ҳар бир департаментнинг сайловчилар мажлиси биттадан номзод сайлайдилар ва шундан кейин Қонунчилик корпуси барча департаментлардан сайланган номзодларнинг умумий рўйхати бўйича ижроия кенгаш аъзоларининг ярми танлаб оларди. Ижроия кенгаш аъзоларининг ярми ҳар йили янгиланиб турилар эди (64-модда).

Ижроия кенгашга умумий бошқарувга раҳбарлик қилиш ва уни кузатиб туриш вазифаси юкланган эди; у фақат Қонунчилик

корпусининг қонунлари ва декретларини ижро этиш бўйича ҳаракат қилиши мумкин эди (65-модда). Ижроия кенгаш қатъий равишда фақат қонун ва декретлар доирасида барча идоралар (министрликлар) фаолиятини бошқарар, мувофиқлаштирар ва назорат қиларди, барча олий мансабдор шахсларни тайинларди ва алмаштириб турарди. «Қонунлар ва декретлар ижро этилмаган, шунингдек суиитеъмолликлар ҳақида хабар берилмаган ҳолларда» Ижроия кенгаш Миллий мажлис олдида жавобгар бўлган (72-модда). Ижроия кенгаш аъзолари мансаблари бўйича жинойт содир этганда Қонунчилик корпуси уларга қарши жиноий иш кўзғотиш мумкин эди» (71-модда).

Бироқ яacobинчилар Конституциясида назарда тутилган давлат органлари тизими амалиётда ташкил қилинмади. Чунки Конституциянинг ўзи ҳам амалга оширилмай қолди. 1793 йилнинг ёз ва куз фаслларидаги, яъни мамлакатнинг катта бир қисмида аксилинқилобий исёнлар кўтарилган ва интервентлар эса мамлакатнинг ичкарасига бостириб кирган бир шароитда юзага келган ички ва халқаро қийинчиликлар яacobинчилар Конституциясини турмушга тадбиқ қилинишига ҳалақит берди. Оқибатда конституциявий режим ўрнини яacobинчиларнинг аста-секин вужудга келган инқилобий диктатураси тизими олди.

Инқилобий ҳукуматнинг ташкил қилиниши. Ички ва ташқи аксилинқилобчиларга қарши кураш зарурияти яacobинчиларни инқилобий диктатура тизимини ташкил қилиш ва мустаҳкамлашга мажбур этди.

Инқилобий ҳукумат ташкил қилиш асослари Конвент томонидан бир қатор декретларда, жумладан 1793 йил 4 декабрдаги «Бошқарувнинг инқилобий тартиблари ҳақида»ги Таъсис қонуни билан белгилаб берилди. Бу қонунда **Миллий конвентнинг** республикада «бошқарувнинг ягона маркази» ҳисобланиши назарда тутилди. Конвент илгаригидек давлат ҳокимиятининг олий органи эди. Унга қонунлар чиқариш ва уларни шархлаш ҳуқуқи тегишли эди. Конвент турли комитетлар ва комиссиялар ёрдамида мамлакатни бошқариш ҳокимиятига эга эди, унинг таркибидан тузилган комитетлар ва тегишли ваколатга эга бўлган депутатлар армия ичида ва департаментларда комиссарлар сифатида ижроия ҳокимиятини амалга оширар эдилар.

Яacobинчиларнинг инқилобий диктатураси тизимида ҳукумат ҳокимиятни **Жамиятни қутқариш комитети** амалга оширарди. У аслида Франциянинг инқилобий ҳукумати бўлиб, инқилобий террорни рағбатлантириш сиёсатини юритди. Бу комитетнинг роли айниқса 1793 йил июлда унинг тепасига илгариги бошлиғи Дантон

ўрнига якобинчилар лидери М. Робеспьер келгандан кейин анча ўсди. Комитет таркиби Робеспьернинг яқин маслакдоши – Сен-Жюст, Кутон ва бошқалар кирди.

1793 йил 10 октябрда қабул қилинган «Бошқаршнинг инқилобий тартиби ҳақидаги» декретга биноан Жамиятни қутқариш комитетига Муваққат Ижроия Кенгаш, министрлар, генераллар ва ўрнатилган муассасалар бўйсунуши лозим эди. Жамиятни қутқариш комитети зиммасига дастлаб ҳар куни, 1793 йил декабрдан бошлаб эса ҳар ойда ўз иши юзасидан Миллий конвентга ҳисоб бериб туриш мажбурияти юклатилган эди.

Конвент ва ҳукумат муассасаларининг жойлар билан алоқасини таъминлаш учун департаментларга ва армияга Конвент депутатлари орасидан комиссарлар жўнатиладди. Комиссарлар жуда катта ваколатларга эга эдилар. Улар инқилобий ҳукумат декретларининг қўлланиши устидан назотарни амалга оширганлар ва зарур бўлган ҳолларда департаментлардаги мансабдор шахсларни ва армиядаги генералларни мансабларидан четлаштиришлари мумкин эди. Мураккаб сиёсий вазият (аксилинқилобий исёнлар, армиядаги хоинликлар) тақозо қилганда Конвент комиссарлари баъзан бевосита маъмурий ва ташкилий функцияларни – мажбурий фармойишлар чиқариш, ҳарбий қисмларга қўмондонлик қилиш ва хоказо вазифаларни ўз зиммасига олишига тўғри келарди.

Маҳаллий бошқарув инқилобий диктатура вазифаларига мослаштирилди. 1794 йил 4 декабрдаги қонун билан департаментлар маъмурияти ихтиёридан «инқилобий қонунлар ҳамда бошқарув ва ижтимоий қутқариш чораларига оид» муҳим масалалар олинди. Бу масалалар бўйича дистриктлар ва муниципалитетлар бевосита инқилобий ҳукумат билан боғлаб қўйилди. Маҳаллий бошқарувда **муниципалитетлар** жирондистлар ҳайдаб юборилгандан сўнг жуда фаоллик кўрсатдилар. Коммуналар ва уларнинг секциялари ишида, бош кенгашларда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг қуйи табақалари кенг иштирок этдилар.

1793 йил 21 март декрети бўйичаёқ республикага душман бўлган ажнабийларни назорат қилиб туриш учун ҳар бир коммунада ва унинг секциясида кузатувчи ва бошқа махсус комитетлар сайланган эди. Якобинчилар даврида бу комитетларнинг функциялари анча кенгайди, улар **инқилобий комитетлар** деган ном олдилар. Бундай комитетлар бутун мамлакат бўйича ташкил этилган. Уларнинг таркиби жуда фаол ва инқилобга ўта фидойи фуқаролардан иборат эди. Улар жойларда инқилобий террор қуролига ва жамиятни қутқариш комитетининг асосий таянчига айландилар. Инқилобий комитетлар ўз округларида марказнинг

сиёсатини изчиллик билан ўтказибгина қолмасдан, балки айна пайтда Конвентга ҳам ўз таъсирларини ўтказганлар, қатор ҳолларда инқилобий омма талабларини ҳам бажаришга мажбур этганлар.

Инқилобий диктатура тизимида турли хилқ жамиятлари ва клублари ҳам муҳим ўрин тутган. Уларнинг орасида ҳаммадан аввал Париждаги Якобинчилар клуби алоҳида ажралиб турарди. У инқилобнинг ўзига хос сиёсий штаби ролини бажарган. Унинг жуда кўп сонли бўлимлари (40 мингдан ортиқ) бутун мамлакат бўйича ёйилган эди.

Якобинчилар диктатурасининг муҳим хусусиятларидан бири ташқи душманлар ва ички аксил инқилобчилар билан кураш учун мўлжалланган махсус органларнинг тузилиши бўлди. Улар ўзларининг республика ва инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилишга қаратилга фаолиятларида инқилобий террор усулларидан фойдаландилар.

Франция республикасига бостириб кирган феодал-монархистик коалиция кўшинларини тор-мор этишни ташкил қилишда якобинчилар томонидан қайта тузилган **армия** ҳал қилувчи роль ўйнади. Халқ оммаси кучли, кўп сонли армия тузиш ҳақидаги ташаббус биоан чиқди. Бошланғич мажлисларнинг конституциясни тасдиқлаган делегатлари августда Парижга келиб, умумхалқ лашқари тузиш ва миллатни қуролланишига чақириш ғоясини илгари сурадилар.

Конституциявий халқнинг бу ташаббусини амалга ошириб, 1793 йил 23 августда армияга мажбурий суратда кўплаб одам олишга қаратилган қонун-“Умумий сафарбарлик тўғрисида” декрет қабул қилди. Шундай қилиб, Франция, принципиал янги ҳарбий тизим тузишга киришди. Бу декретнинг 1-моддасида шундай дейилади: “Ҳозирга пайтдан бошлаб то душманлар республика худудидан ҳайдаб чиқарилгунча французларнинг ҳаммаси армияда хизмат ўташга доимо тайёр туришлари лозим. Ёш кишилар жанг қилишга боришлари керак, уйланганлар қрол-яроғ тайёрлайдилар ва озиковқат етказиб берадилар, аёллар палаткаларҳамда кийим-кечак тикадилар ва гаспиталларда хизмат қиладилар, болалар эски чойшабдан ип титиб оладилар, қариялар жамоат жойларда жангчиларни мардлик-қаҳрамонликка, қиролга нисбатан нафрат ундайдилар ва республика бирлигига чақирадилар.” Декретга асосан бутун Франция урушига сафарбар этилган эди. Жуда қисқа вақт ичида армияга дастлабки сафабарлик ўтказилади, бу одам олиш республикага 420 минг жангчидан иборат армия берди. Янги олинганлар батальонлари армияга инқилобий руҳ олиб кирдилар ва ҳарбий қисмларнинг жанговарлик қобилиятини мустаҳкамладилар.

Кўмондонлик лавозимларига, шу жумладан генераллик лавозимларига ҳам, халқ ичидан чиққан ёш, қобилияти ва иродали кишилар илгари сурилди. Инқилобий армия 1794 йилнинг бошига келиб Франция ҳудудини нафақат коалиция кўшинларидан тозалади, балки Лион, Ванзая ва бошқа шаҳарлардаги акселинқилобий исёнларни битиришда ҳам иштирок этди.

Акселинқилобчиларга қарши курашни ташкил қилишда **Жамият хавфсизлиги комитети** муҳим роль ўйнади. 1793 йил 4 декабрдаги қонун билан унинг зиммасига «полиция ва шахс»га таалукли барча нарсани «махсус назорат қилиш» юксатилган эди. у Жамиятни қутқариш комитетига бўйсунтирилмади ва ҳар ойда бевосита Конвентга ўз ҳисоботини бериш мумкин эди. у акселинқилобий фаолиятни тергов қилиш, республика душманларини қамокқа олиш ва судга бериш ҳуқуқига эга бўлиб, кўпинча ўз ҳокимиятини суиистеъмол қиларди.

Дистриктлар ва камуналарда жазолаш сиёсатини ўтказишда юқорида эсга олинган инқилобий комитетлар алоҳида роль ўйнаган. Уларнинг функциялари 1793 йил 17 сентябрда қабул қилинган «шубҳали кишилар ҳақида»ги қонун билан анча кенгайтирилган эди. Бу Жамият хавфсизлиги комитети билан бевосита алоқада бўлганлар, унга қамокқа олинганларнинг рўйхатини ва олинган ҳужжатларни жўнатганлар, шубҳали деб ҳисобланган ва қамокқа олиниши лозим бўлган шахслар доираси жуда кенг ва ноаниқ бўлган. Булар ўз хатти-ҳаракатлари, алоқалари, нутқлари, асослари билан «тринамия фнодализм ва эркинлик душманлари тарафдорлари сифтида ўзларини кўрсатган кишилар, «инқилобга доимо ўз садоқатларини кўрсатмай келаётган» дворян оилаларининг аъзолари «ишончлилиги ҳақида гувоҳнома» бериш рад этилган шахслар ва бошқалар эди. Инқилобий комитетлар халқ жамиятлари, якобинчилар клубининг мустаҳкам алоҳида бўлиб, кўпинча сиёсий муросасизлик кўрсатардилар. Улар акселинқилобчиларни аниқлаш ва фош қилишда кенг фаолият юритганлар. Бунда ҳеч қандай гуноҳсиз кишиларни таъқиб қилиш ва «куролсизлантириш»дан чўчимаганлар.

Якобинчилар диктатурасининг давлат механизмида шунингдек **инқилобий трибунал** фавқулодда фаол роль ўйнайди. У якобинчиларнинг талаби билан жирандистлар Конвенти томониданоқ ташкил этилган эди. бироқ 1793 йил 5 сентябрда қайта ташкил этилгандан кейин инқилобий террорнинг доимий ҳаракатдаги қуролига айланди.

Судьялар, қасамхўр маслаҳатчилар, жамоат айбловчилари ва уларнинг ёрдамчилари Конвент томонидан тайинланардилар.

Инқилобий трибуналда бажариладиган барча ишлар тартиби соддалиги ва жадаллиги билан ажралиб турарди. Бу унинг инқилобий ҳукумат душманлари – реалистлар, жирондистлар, чет эл жосуслари билан аниқ бир мақсадга қаратилган, лекин ани пайтда шавқатсиз сиёсий кураш боришига имкон яратарди. 1794 йил 10 июнгача Инқилобий трибунал ҳукми билан 2607 киши қатл этилди. Инқилобий армиянинг ҳарбий мувоффақиятлари ва республиканинг мустақамланиши муқаррар равишда илгариги бирликнинг бузилишига ва яқобинчиларнинг блокадаги ички қарама-қаршиликларининг кучайишига олиб келди. Феодал қолдиқларини тугатишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий қонунчилик объектив равишда капиталистик муносабатларнинг ривожига, «янги бойлар»нинг пайдо бўлишига ва ижтимоий тенгсизликнинг ўсишига, шаҳар ва қишлоқ камбағаллари аҳволининг ёмонлашувиغا олиб келди.

Яқобинчиларнинг «жазоловчи қиличи» тез орада ўзининг инқилобий мақсадга йўналтирилганлик аҳамиятини йўқота борди. У нафақат яқобинчилар даҳоларининг ҳаддан ташқари талабларини қабул қилмас ўнг кучларини, балки шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг қуйи табақалари манфаатларини ифодалаган яқобинчиларнинг сўл қаноти лидерлари («ашаддийлар», «эберчилар» ва бошқалар)ни ҳам жазолаш куралига айланди. Яқобинчиларнинг сўл қаноти инқилобни янада ривожлантиришни, тенглар жамияти тузилишини талаб қилдилар. Яқобинчиларнинг очикдан-очик сиёсий таъқиблари уларнинг собиқ тарафдорларини чўчитиб қўйди, уларнинг нуфузини пасайиб кетишига, улар ҳокимият ижтимоий асосларининг қисқариб кетишига олиб келди. Яқобинчиларнинг даҳолари эндиликда режани сақлаб қолиш ва ўз шахсий мавқеини мустақамлаш учун террорни кучайтиришдан бошқа йўл топа олмадилар. Демократик мақсадлар учун кураш террор ўсиб бораётган шароитларда шахсий ҳокимият учун тобора очикдан-очик беъмани курашга айланди.

1794 йил 10 июнда Конвент Робеспьер тазйиқи билан «Халқ душманлари ҳақида» декрет қабул қилди. Бу декретнинг қабул қилиниши даҳшатли оқибатларга олиб келди. Декрет суд процедурасини янада судлаштирди, лекин шу билан бирга суд ишлари юритишнинг элементар (бошланғич, ҳаммага маълум бўлган) демократик асосларини тугатди.

Бу декретга мувофиқ айбдорларни олдиндан сўроқ қилиш тугатилиши керак эди. Айбдор фақат суд мажлисида қасамхўр маслаҳатчилар ва омма олдида сўроқ қилиниши лозим эди. Шунингдек, у химоя ҳуқуқидан фойдалана олмади. Ҳукм

чиқаришга фақат қасамхўр маслаҳатчиларининг «виждони» дастури амал бўлиб хизмат қилиши лозим эди.

Инқилобий трибунал томонидан кўриб ҳал қилинадиган барча жинойтлар учун ўлим жазоси тайинланарди. Дикрет бўйича «халқ душманлари» деган тушунчанинг ўзи жуда кенг ва ноаниқ эди. Қонун Конвентнинг яacobинчи раҳбарларига режимнинг сиёсий муҳолифларига қарши ва «янги бойлар»га қарши террорни кучайтириш имконини берди. Бу ўз навбатда кўпдан-кўп айбсиз кишилар ва ноҳақ айбланганларнинг қатл этилишига олиб келди. Маълумотларга қараганда, ўша вақтда 48 кун ичида 1350 киши қатл этилди.

1794 йил ёзига келиб, яъни инқилобий армиянинг ғалабалари натижасида уруш хавфи бартараф қилинган ва янги республика тузуми реал воқеликка айланган вақтдан бошлаб, буржуазия инқилобий диктатурасининг чеклаш режимигачидамай қолди. Мамлакатдаги ички зиддиятлар тобора кескинлашиб борди ва ҳал қилиб бўлмас даражага ўсиб чиқди.

Яacobинчиларнинг тадбиркорликни чеклашга қаратилган тадбирлари янги пулдор аристокрацияни ғазаблантирди. Янги бойлар террорга, элементар демократик ҳуқуқларнинг чекланишига, инқилоб натижасида ташкил этилган конституциявий механизмларининг ҳақиқатда барбод қилинишига эндиликда чидаб тура олмадилар.

Инқилоб давомида шекланган кўп миллионли майда хусусий мулкчи деҳқонларнинг инқилобий демократик кайфияти йўқолди. Улар яacobинчилардан юз ўгирдилар. Юқорида айтиб ўтилгандек, яacobинчилар даҳолари шаҳар ва қишлоқ камбағалларини ҳам ўзларидан узоқлаштирдилар. 1794 йилги ҳосилнинг ҳаммасини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида 26 июнда қабул қилинган дикрет қишлоқ буржуазиясининг аксилинқилобий кайфиятини жуда ҳам кучайтириб юборди. Аҳолининг ҳийла кўпчилигини ташкил этган ўрта хол деҳқонлар ҳам давлат ихтиёрига олишлардан норози эканлигини билдирди. У асосан қишлоқ буржуазиясига эргашди.

Халқнинг энг камбағал табақаларининг моддий аҳволи оғирлигича қола борди. Иш ҳақи максимуми ва Ле Шапилъе қонуни ишчиларни ҳаёт ва меҳнат ҳақи шароитларини яхшилашга эришиш имкониятидан маҳрум этган эди.

Юқоридаги шарт-шароитлар мамлакатдаги фитнани кенгайтди. Конвентда яacobинчилар террорининг чексизлиги ва ўта кетган тартибсизлигига қарши, шу жумладан ўзини сақлаб қолиш мақсадида монтаньялар фитнаси авж олди. Ўнлар – Толъен, Баррас, Фрерон, дантончиларнинг қолдиқлари ва «ботқоқ»

арбоблари Робеспьер гуруҳига қарши биргаликда кураш олиб бориш мақсадида эберчиларнинг қолдиқлари – Колло д'Эрбуа ва бошқалар билан иттифоқ туздилар. Модомики, якобинчилар даҳолари ўзларининг инқилобий фаоллик резервларини тугатган эканлар, шу сабабли яна халқ оммасига таяна олмас эканлар, улар ўзларини сиёсий жиҳатдан маҳрум қилган эдилар. Натижада иккала ҳукумат комитетларининг қатор аъзоларини ҳам ўз ичига олган фитначиларининг режалари нисбатан осонлик билан амалга оширилди.

1794 йил 27 июнда (якобинчилар календари бўйича 9-термидорда) йирик буржуазия томонидан ташкил этилган аксилинқилобий давлат тўнтариши ниятида якобинчилар диктатураси ағдариб ташланди. Унинг раҳбарлари – Робеспьер, Сен-Жюст, Кутон ва яна 18та робеспьерчи давлат тўнтаришининг иккинчи куни – 10-термидорда суд қилинмасдан Грева майдонида қатл этилди. Мамлакатда яна террор ва реакция бошланди. Париж коммунаси тарқатиб юборилди. Якобинчилар клуби ёпиб ташланди.

Якобинчилар диктатурасининг кулаши билан буюк француз инқилобининг энг юқори – учинчи босқичи ҳам ниҳоясига етди.

5. Термидорчилар давлат тўнтариши ва директория ҳукмдорлиги

Конвентнинг давлат ва француз буржуазиясининг республикачи кайфиятдаги доиралари манфаатларини ифодаловчи тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган мўътадил депутатлари гуруҳи **термидорчилар** деган ном олди. Бу группирофка учун, Конвентнинг қирол устидан қилинган судда иштирок этган ва шу тариқа «подшоҳнинг қотиллари» бўлиб қолган бошқа депутатлари учун монархияни қайта тиклаш мутлақо мумкин бўлмаганидек, инқилобий террор режими ҳам шу даражада чидаб бўлмас бўлиб қолган эди.

Дастлабки вақтда термидорчилар якобинчилар томонидан ташкил қилинган давлат органлари тизимини сақлаб қолишга мажбур бўлдилар. Бунда инқилобий диктатура механизмнинг ўзи доимо бузилиб борди, якобинчиларнинг фавқулодда ижтимоий-иқтисодий қонунлари бекор қилинди.

Жамият хавфсизлиги комитети эндиликда якобинчиларга қарши фитнада қатнашганлар таркибида мажлислар ўтказиб, ҳукумат органи сифатидаги аҳамиятини йўқотди. Якобинчилар таянчи – Париж Коммунаси, шунингдек инқилобий комитетлар тугитилди, Инқилобий трибунал қайта ташкил этилди.

Бироқ термидорчилар томонидан ислоҳот қилинган сиёсий тизим инқилобий анъаналар билан қўшилиб кетди. Шу сабабли

конституциявий тузумни қайта тиклаш масаласи яна алоҳида кескин бўлиб қолди.

Дастлаб якобинчилар Конвент томонидан қабул қилинган ва сайловчиларнинг бошланғич мажлисларида тасдиқланган 1793 йилдаги Конституция расман кучда қолади деб ҳисоблаган. Гарчанд якобинчилар Конституцияси ҳеч қачон қўлланилмаган бўлса ҳам, дастлаб термидорчилар уни ҳукуматга киритиш учун зарур бўлган тузатишлар ва қўшимчалар киритишдаги масалани қўядилар. Аммо тез орада, жумладан янги инқилобий кўтарилишлар таъсирида, ўнг қанот термидорчилар якобинчилар конституциясига «ташкилий анархия» деб қарардилар ва янги конституциявий ҳужжат тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилдилар. Улар янги ҳокимият таркибини белгилаш билан бироз шошилган эдилар, чунки республика душманлари – раелистлар, фелъянлар ва бошқалар яна сиёсий хавф туғдирмоқда эди.

1795 йил августда Конвент Франциянинг «III йил конституцияси» номи билан танилган янги конституцияни қабул қилди.

Термидорчилар инқилоб даврида ўрнатилган анъаналарга амал қилиб, конституция матнини умумхалқ муҳокамасига олиб чиқдилар. Сайловчиларнинг бошланғич мажлисларида у кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди, чунки халқ янги Конституция ёрдамида республикани кутқариш ва мустақамлашга, монархиянинг қайта тикланишини олдини олишга, инқилобнинг демократик ғалабаларини сақлаб қолишга умид қилган эди.

Янги Конституция муаллифлари инқилобнинг чегараларидан ва якобинчилар даҳоларининг сиёсий бемулоҳазаликларидан узоқлашган ҳолда, нафақат инқилобнинг «эркинлик, тенглик, дўстлик» деган шиорини балки ўзининг энг муҳим ютуқлари – республикачилик, халқ суверенитети, вакиллик органлари ва бошқаларни ҳам сақлаб қолдилар.

1795 йилги Конституция матни дабдабалиги билан ва чўзилиб кетганлиги билан ажралиб турарди. У 372та моддадан иборат эди. Бироқ у сиёсий мазмуни бўйича жуда мўътадил бўлган.

Франция конституцияларига ҳос анъана ушбу Конституцияда ҳам давом эттирилиб, у Декларация билан бошланади. Бироқ Декларациянинг мазмуни тубдан ўзгартирилиб у «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва мажбуриятлари декларацияси» деб номланган эди. Қонуншунослар якобинчилар декларациясининг барча инқилобий қоидаларини чиқариб ташладилар. Декларацияда халқнинг кўзғолон кўтариш, жабр-зулмга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқлари, намоийишлар ўтказиш, матбуот эркинликлари, барча кишиларнинг

давлат мансабларига сайланишда тенг ҳуқуқлидиги ҳақида гапирилмади ва асосан жамиятнинг иқтисодий, маънавий ҳамда ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эътибор берилди. Масалан, унда мулкчилик «жаҳон маданияти, бутун ишлаб чиқариш, барча меҳнат воситалари ва бутун ижтимоий тузум асосида ётади» деб таъкидланди.

Декларация давлат ва ҳуқуқнинг илгари эълон қилинган умумий принципларини такрорлаб, давлат ва мулкчиликни ҳимоя қилиш ҳар кишининг мажбурияти эканлигини таъкидлайди.

Конституция бўйича давлат тузумининг асосий принципи вакиллик бошқаруви ва ҳокимиятларнинг тақсимланиш и бўлди.

Конституция умумий сўлов ҳуқуқини бекор қилди ва мулккий цензни қайта тиклади, давлат ҳокимиятининг олий органларига икки поғонали сайловлар ўрнатди. Фақат Франция ҳудудида яшовчи, 21 ёшга тўлган, тўғридан-тўғри солиқ тўлайдиган ва бу ерда бир йилдан кўп яшамаган эркакларга сайлов ҳуқуқи берилди. Булар сайловчилар сайлашлари мумкин эди. Сайловчилар этиб, 25 ёшга тўлган ва фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланувчи, шунингдек ишчининг 200 кунлик иш ҳақи миқдорида мулкга эгалик қилиб турган шахслар сайланиши мумкин эди. Сайловчилар қонунчилик корпуси ва олий суд органлар аъзоларини сайлардилар. Бунда янада юқори цензларга жавоб берувчи шахсларгина сайлана оларди.

1795 йилги Конституция 1791-1792 йилларда сиёсий давлат қурилиши тажрибасида синовдан ўтган давлат-ҳуқуқ институтларни қабул қилиб олди. Унинг 22-моддасига биноан республика тузумининг асосига ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципини кўйилди. Бироқ давлат ҳокимиятнинг янгидан ташкил қилиниши катта ва бесўнақайлиги, ақидапараслиги, билан соф ташқи кўриниши жиҳатидан антик демократия намуналарига тақлидчанлиги билан ажралиб турарди.

Ҳокимиятларнинг тақсимланиши тизимида қонунчилик корпусига асосий ўрин ажратилди. Конституция муаллифлари сиёсий эҳтиёткорли намоён қилдилар ва Миллий конвентга ўхшаш «кудратли» қонун чиқарувчи орган тузишдан воз кечдилар. Француз конституцияшунослик тарихида биринчи марта икки палатали парламент-Қонунчилик корпуси ташкил қилинди. У **Оқсоқоллар кенгаши** - юқори палата ва **Беш юзлар кенгаши** – қуйи палатадан иборат эди. Оқсоқоллар кенгаши 40 ёшдан кам бўлмаган фуқаролардан сайланган 250га аъзога эга эди. Беш юзлар кенгашига эса 30 ёшдан кам бўлмаган фуқаролар сайланарди.

Конституция бўйича, қонун ташаббускорлик ҳуқуқи фақат Беш юзлар кенгашига берилди, лекин унинг қарорлари фақат

Оқсоқоллар кенгаши томонидан маъкуллансагина, кучга кирарди. Агар Оқсоқоллар кенгаши қонун лойиҳасини рад этса, бу лойиҳа фақат бир йил ўтгандан кейин қайта киритилиши мумкин эди. Шундай қилиб, қуйи палата қонун лойиҳаларини тузган ва юқори палатага тақдим қилган, Оқсоқоллар кенгаши уни тасдиқлаган ёки рад қилган.

Францияда ижроия ҳокимияти ҳам сиёсий жиҳатдан мустақкам ва барқарор эмас, самарасиз эди. Конституцияга биноан у беш киши таркибидаги **Директория**га топширилди. Унинг аъзолари директорлар деган унвонга эга эди. Директория аъзолари Беш юзлар кенгаши илгари сурган номзодлардан Оқсоқоллар кенгаши томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланарди. Директория соф бошқарувчилик функцияларини амалга ошириш учун министрлар сайланди, лекин булар ҳукуматни ташкил қилмадилар.

1795 йилги Конституцияга билан жорий қилинган, қадимги Афина демократиясига ўхшаш, давлат шакллари сиёсий кучларининг ўзаро реал нисбатини ҳисобга олмасди ва шу сабабли мамлакатда иқтисодий ҳамда ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга қодир бўлмади. Гарчанд 1795 йилги Конституция бўйича ижрочилик ва бошқарувчилик дастаклари ягона қўлларда тўпланиши лозим бўлмаса ҳам, Директорияда асосий ролни термидорчилар лидерлардан бири собиқ афицер ва дворян принципсиз ва сотқин сиёсатчи, ашаддий шуҳратпараст Баррас ўйнади. У, бошқа ҳукумрон доиралар вакиллари сингари, давлат хазинасидан ўз бойлигини ошириш учун очикдан-очик фойдаланишга ҳаракат қилди.

Тўғри, Директория ҳукумронлиги даврида янги сиёсат корхоналари вужудга келди; саноатга ва деҳқончиликка катта маблағлар сарфланди. Бироқ бу даврида каррупция, давлат хазинасини ўғрилаш, чайқовчилик ва бошқа йўллар билан банкирлар ва катта савдогарлар жуда бойиб кетди.

Йирик буржуазия бойигани ҳолда меҳнаткаш халқ оммасининг аҳволи жуда оғир эди. Қоғоз пуллар кадрининг тўхтовсиз кетиши, энг зарур буюмларнинг етишмаслиги ва биржа чайқовчилигининг давом этиши нарх-навони хатда ташқари ошириб юборди. Озиқ-овқат маҳсулоти жуда ҳам қимматлашиб кетди. Масалан, 1790 йилдан 1795 йилгача нон нархи 117 баравардан ортиқроқ кўтарилди; гўшт ва савзавот 40 баравар қимматлашди. Париждаги ишчи кварталларида очлик, қашшоқлик ҳукм сурди, нарх-наво тобаро ошиб бораётган бир вақтда буржуазия шоҳона ҳаёт кечирарди. Директория ҳукумати хазинани ўғрилаш, давлат мансабларини очикдан-очик сотиш, порахўрлик билан шуғулланди. Франция ҳалокат ёқасига келиб қолди. Инфляция, қашшоқлик халқ

оммасини қаттиқ ғазаблантирди. Бундан ендиликда хатто буржуазиянинг кенг қатламлари ҳам норози эдилар.

Термидорчилар Конвентининг, кейин эса Директориянинг халққа қарши сиёсати ва шаҳар ҳамда қишлоқ камбағалларининг чидаб бўлмайдиган оғир аҳволи меҳнаткашлар оммасининг норозилигини янада кескинлаштирди. Ана шундай вазиятда Франсуа-Ноэль Бабёф бошчилигида инқилобий фитна вужудга келди. Унинг раҳбарлигида 1796 йилда Парижда махфий «Тенглар жамияти» ташкил топди. Бу жамият Директория ҳукуматини ағдариш ва инқилобий диктатура ҳукуматни тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Бабёф дастурининг асосий қисми тенглик ҳақидаги, «ҳақиқий тенглик» ҳақидаги таълимот эди, бабёфчилар хусусий мулкчиликни аста-секин бекор қилиш орқали шундай тенглик ўрнатмоқчи эдилар. Бабёф ўз ўтмишдошларидан – «Ижтимоий тўғарак» тарафдорларидан анча олға кетган эди. Бабёф тузиб чиққан «иқтисодий декрет лойиҳаси»нинг биринчи моддасида: «Республикада катта миллий коммуна таъсис этилади» дейилган эди. Бу коммунага сотилмаган «миллий мулк», инқилоб душманларидан мусодара қилиб олинган мулк, эгалари томонидан ишланмаётган ерлар олиб берилиши керак эди. Коммуна фойдаси учун ўзига қаршли бутун мулкдан дастлаб воз кечган ва коммунага ўзининг меҳнатини буткул бағишлашни ўз устига олган ҳар бир француз, шу жумладан, бой француз ҳам, коммуна аъзоси бўлиши мумкин эди. Мерос қолдириш ҳуқуқи бекор қилиниши керак эди. Коммуна хўжалиги ўз аъзоларининг биргаликдаги кучи билан олиб борилиши лозим эди; қариялар ва майиб-мажруҳлардан ташқари, коммуна аъзоларининг ҳаммаси меҳнат қилиши керак эди. Коммунанинг ҳар бир аъзоси турар жой, кийим-кечак, иситиш асбоб-ускуналари, чироқ, озиқ-овқат, тиббий ёрдам билан таъминланиши лозим эди. Коммунада жуда қаттиқ тенглик асосида истеъмол қилиш жорий қилиниши керак эди. Моддий бойликлар жамият магазинларида баравар тақсимланиши лозим эди, коммуна аъзолари ишлаб чиқарган меҳнат маҳсулотлари шу магазинларга келиб тушуви керак эди. Олий маъмурият ҳар бир округ учун ишларнинг ҳажми ва характерини режалаштириб бериши, ташқи савдо монополияси асосида бошқа давлатлар билан савдо-сотик олиб бориши лозим эди. Пул чиқариш тўхтатилиши керак эди.

Бабёфчиларнинг иқтисодий лойиҳалари ана шундай эди. Бабёфнинг сиёсий дастури бой синфларга мансуб шахсларни сиёсий ҳаётда қатнашишдан четлаштирар, уларни жамият мажлисларига иштирок қилиш ва қурол тақиб юриш ҳуқуқидан маҳрум қилар эди.

Бабёф амалга оширмоқчи бўлган «тенглар республикаси» аслида меҳнаткашларга таяниб иш кўрадиган инқилобий диктатура бўлиши лозим эди. Бироқ бу фитна тез орада фош қилинди, Бабёф қатл этилди.

Шу йилларда Франциядаги ички сиёсий вазият жуда ҳам ўзгарувчан эди. Директория ҳукумати сиёсатининг изчил эмаслиги, тутруксизлиги ва жуда тез ўзгарувчанлиги натижасида гоҳ якобинчиларга қарши зарба берилиши, гоҳ дворян-эмигрантларга ва қасамёд этмаган попларга қарши жазо чораларининг кўрилиши, гоҳ бой молиячиларга ва олиб сотарларга нисбатан юқори даромад солиғининг жорий қилиниши Франциядаги сиёсий аҳволни жуда мураккаблаштириб юборган эди. Директориянинг гоҳ сўлга, гоҳ ўннга тебраниб турадиган сиёсатига ўша замон кишилари «**арғимчоқ сиёсати**»

Иккинчи республика

1848 йилги инқилоб. 1848 йил кишда Париж аҳолиси, ҳаммадан аввал ишчилар қуролли қўзғолон кўтардилар. Шу йил 22 февралда парижликлар сиёсий тузумни демократлаштирилишини ва халқнинг оғир иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича аниқ чоратадбирлар қабул қилинишини талаб қилиб тинч, қуролсиз намойишга йиғилдилар. Лекин ҳукумат намойишчиларни ўққа тутди. Бу эса ишчиларни ғазаблантиради ва қуролли қўзғолон кўтаришга туртки бўлади. Қўзғолон бошланган куннинг эртасигаёқ қўзғолончилар пойтахтнинг асосий стратегик пунктларини эгаллаб оладилар. Луи-Филипп инқилобни бостириш мумкин эмаслигига кўзи етгач, тахтдан воз кечиб, Англияга қочиб кетади.

Либерал буржуазия вакиллари Луи-Филиппнинг гўдак невараси-граф Парижскийни қирол деб эълон қилиб монархияни сақлаб қолмоқчи бўладилар. Бироқ қуролланган омма депутатлар палатасининг мажлислар залига бостириб кириб, Муваққат ҳукумат тузилишини қаттиқ туриб талаб қилди. Натижада либерал-демократик мухолифият вакилларидан иборат таркибдаги Муваққат ҳукумат тузилди.

25 февралда Муваққат ҳукумат ишчиларнинг бевосита тазйиқи остида Францияни республика деб эълон қилди. Ҳукуматга умумий, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи жорий қилиш мажбурияти юкланди. Меҳнат ҳақидаги декрет билан меҳнат ҳуқуқи эълон қилинди, давлатнинг ҳаммани иш билан таъминлаш, иш кунини Парижда 10 соатгача, бошқа провинцияларда 11 соатгача қисқартириш мажбурияти белгиланди. Шунингдек бошқа демократик тадбирлар ўтказиш ваъда қилинди.

Ҳукумат айна вақтда ишчилар оммасининг инқилобий чиқишларига қарши курашга тайёрланиб куролли кучларни ташкил қилишга интилди. Шу мақсадда Муваққат ҳукумат ҳар бирида минг киши бўлган 24 батальондан иборат мобил (тезкор) гвардия тузиб, уларни имтиёзли аҳволга қўйиш (уларга махсус мундир ва оширилган маош берилган эди) тўғрисида қарор қабул қилди. Бу гвардия ҳукуматнинг радикал ҳаётга қарши курашида таянч бўлиб хизмат қилди.

Муваққат ҳукумат тез орада солиқларни оширди. Бу айниқса дехқонларга қаттиқ зарба берди. Дехқонларнинг норозилигидан ҳукумат ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди. Солиқларнинг кўпайтирилишидан республика душманлари қишлоқ аҳолисининг кенг оммаси билан ишчилар ўртасида адоват солиш учун фойдаландилар. Аксилинқилобий элементлар, ишчилар ишлашни хоҳламаяпти ва давлатни ўзларини боқишга мажбур қилмоқда, деганда иғво гапларни тарқатиб, янги ер солиғи учун жавобгарликни пролетариат устига ағдармоқчи бўлдилар.

1848 йил 23 апрелда таъсис мажлисига сайловлар бўлди. Таъсис мажлиси республика конституциясини қабул қилиши керак эди. Мажлиснинг кўпчилик қисмини йирик ер эгалари, саноатчилар, генераллар, юқори табақа руҳонийларнинг вакиллари ташкил этди. Сайловлардан кейин янги ҳукмрон доиралар меҳнаткашлар аҳволини бироз бўлсада яхшилашга қаратилган барча норматив ҳужжатларни бекор қилдилар.

Таъсис мажлиси Ижроия комиссия деб аталган янги ҳукумат тузди. Ҳукумат таркиби асосан ўнг қанот буржуа республикачиларидан иборат эди. Унга биронта ҳам социалист киритилмаган эди. Шунингдек, Таъсис мажлисининг ишчилар оммасига қарши қаратилган бошқа ҳаракатлари ҳам, айниқса «меҳнат ва прогресс министрлиги» тузиш тўғрисидаги таклифнинг барбод бўлиши ва петиция бериш ҳуқуқининг чекланиши (Таъсис мажлисига петициялар олиб келиш тақиқланган эди) ҳам жиддий норозиликка сабаб бўлди.

1848 йил 15 майда ишчилар ва майда хунурмандлар намоиш қилиб, таъсис мажлисидан йирик капиталистларга 1 миллиард франк миқдорида солиқ солишни, ҳукумат ишларини назорат қилиб туриш учун комитет тузишни, қўшинларни Париждан олиб чиқиб кетишни, ишсизлар ва муҳтожларга ёрдам беришни, Познандаги полякларнинг озодлик ҳаракатига мадад бериш учун француз қўшинларини юборишни талаб қилдилар. Лекин бу талабларнинг биронтаси ҳам бажарилмади. Намойиш муваффақиятсизликка

учради. Ҳукумат кўча йиғилишлари тўғрисида қаттиқ қонун чиқарди. Парижга қўшинлар келтирила бошлади.

22 июнда ҳукумат фармойиши эълон қилиниб, унда миллий мастерскойларда ишлаётган 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ва Парижда доимий турар жойи бўлмаган ҳамма бўйдоқ ишчиларнинг армияга кириши буюрилган эди. 25 ёшдан ошган ишчиларга провинцияларда ер казиш ишларига жўнаш учун тайёргарлик кўриш таклиф қилинган эди.

бу фармойиш ишчиларни қаттиқ ғазаблантирди. Шу куни куролли кўзғолон бошланиб кетди. Лекин тўрт кунлик шиддатли курашдан кейин доимий ва тезкор армия томонидан кўзғолон шафқатсизлик билан бостирилди.

Иккинчи республиканинг асосий ҳужжати таъсис мажлиси томонидан 1848 йил 4 ноябрда қабул қилинган Конституция бўлиб қолди. Конституциянинг ўзида кўрсатилганидек, у «худо олдида ва француз халқи номидан» қабул қилинганди. Конституцияда давлат тузумининг асосий принциплари: республика шаклидаги бошқарув, ҳокимиятнинг таъсимланиши, вакиллик бошқаруви ўрнатилди. Унда «оммавий ҳокимият мерос бўйича ўтказилиши мумкин эмас» (18-модда), деб алоҳида таъкидланди. Конституция умум сайлов ҳуқуқини мустаҳкамлади. Бунга Иккинчи республика демократик характери кўрсаткичларидан бири сифатида қаралганди.

Конституция бўйича олий қонун чиқариш ҳокимияти бир палатали Миллий мажлисга тегишли бўлди. У қонунлар қабул қилиш, бюджетни қабул қилиш, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилиш, савдо шартномаларини тасдиқлаш ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш ваколатларига эга эди. Миллий мажлис депутатлари 3 йил муддатга сайланарди.

Конституцияга биноан ижроия ҳокимият президентга тегишли бўлди. Президент армия, полиция ва маъмурий аппаратга бошчилик қиларди. У министрликларни, армия ва флот кўмондонларини ва бошқа олий мансабдор шахсларни тайинларди ва алмаштириб турарди. Президент кўп ҳолларда парламентдан мустақил эди. У мажлис томонидан эмас, департаментдан сайланган вакиллар томонидан сайланарди.

Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларини кўриб чиқувчи маслаҳатчи орган сифатида **Давлат кенгаши** таъсис этилди. Унинг компетнциясига шунингдек қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳам кирарди. Давлат кенгашининг аъзолари Миллий мажлис томонидан олти йил муддатга сайланардилар.

Марказий ва маҳаллий бошқарув органлари жиддий ўзгаришларга учрамади. Мамлакатнинг эскича департаментларга,

дистриктларга ва коммуналарга бўлинишига асосан маъмурий-худудий тизимни сақлаб қолди. Департаментда прорект ҳокимияти ўзгаришсиз қолди.

Сайлов ҳуқуқининг умумий, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш тартиби жорий қилинди. 21 ёшга тўлган барча французларга сайлаш ҳуқуқи, 25 ёшга тўлганларга эса сайланиш ҳуқуқи берилди.

Конституциянинг махсус бобда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланди.

Бироқ конституциянинг либерал-демократик қоидалари узок яшолмади. Тез орада дастлаб сайловчилар учун 6 ойлик ўтроклик цензи ўрнатилди, сўнгра у уч йилга кўпайтирилди. Ишчиларнинг ўтрок яшаш муддатини белгилаш иш берувчиларнинг кўрсатмасига боғлиқ қилиб кўйилди. Натижада сайловчилар рўйхатидан 3 млн. киши ўчириб ташланди. Махсус қонуннинг қабул қилиниши демократик матбуотнинг молиявий аҳволини оғирлаштирди.

Иккинчи империя

1791 йили қуролли мухожирлар чегара яқинида, кўшни немис князликлари худудида ҳарбий лагер барпо этдилар ва инқилобга қарши юриш бошлаш учун фақат Австриядан ёрдам кутдилар, чунки ўша вақтда маликанинг акаси Австрия тахтида ўтирарди.

Малика билан Людовик XVI Австрияга қочиб кетаётганда ушлаб олинади ва Парижга қайтариб олиб келинади. Парижликлар қиролни ҳокимиятдан четлаштириб, судга беришни талаб қилдилар, бироқ Таъсис мажлиси бундай қилиш ялпи кўзғолонга олиб боришидан чўчиди. Таъсис мажлиси муноффиқлик билан қирол «ўғирлаб кетилди» деб эълон қилди ва уни тахт тепасида қолдирди.

1791 йил июл кунларидан бирида Парижда ўтказилган катта намоёишда қиролни ағдариб ташлашни, республика ўрнатишни талаб қилинди. Лекин таъсис мажлиси уларга қараб миллий гвардияни юборди ва ўқ уздириб тарқатиб юборди. Бу шуни кўрсатадики, аввалига инқилобни қўллаб-қувватлаб, Таъсис мажлисида етакчи мавқени эгаллаб олган йирик буржуазиянинг бир қисми – савдогарлар, банкирлар ва миллий гвардия корчагонлари энди халққа қарши туриб, монархияни сақлаб қолиш мақсадида қиролни ҳимоя қила бошладилар.

Таъсис мажлиси ишлаб чиққан конституция 1791 йил кучга кирди. Монархия сақлаб қолинди ва министрлар қирол олдида маъсул бўлиб қолавердилар. 25 ёшга етган ва камида иш кунлик иш ҳақи миқдорида солиқ тўлаган эркакларгагина сайлов ҳуқуқи берилди. 25 миллион аҳолидан атиги 4,3 миллион киши сайлов ҳуқуқини олди, бу ҳақиқатда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси» принципларини бузиш эди. Феодал мажбуриятларни

бутунлай бекор қилиш масаласи ҳал этилмади. Гарчи ҳамма жойда деҳқонлар феодал мажбуриятларини бажармай қўйган бўлсаларда, шу мажбуриятлардан ҳақ тўлаб қутилиши тўғрисидаги қонун ўз кучида қолди. Ички божхоналар ва цехлар бекор қилинди.

Халқ оммаси 1791 йилги конституциядан қаноатланмади ва революция ҳали тугагани йўқ деб ҳисоблади.

Конституция кучга киргандан кейин Таъсис мажлиси тарқалиб кетди. Унинг ўрнига Қонун чиқарувчи мажлис сайланди. Унда ҳам савдо, саноат ва заминдор буржуазия ҳукмронлик қиларди. Аста секин Қонун чиқарувчи мажлисда Жиронда департаментидан сайланган депутатлар гуруҳи етакчи таъсирга эга бўлиб қолди, бу гуруҳ жирондистлари деб атала бошланди.

Улар инқилобдан олдин бойиб кетган давлатманд савдо ва саноат буржуазиясининг манфаатларини ҳимоя қилар эдилар.

1792 йилнинг кўкламига келиб, мамлакат конринқилобчи интервенция хавфи остида қолди. Шу пайтда Австрия агар Францияда абсолют монархия тикланмаса, уруш бошлашини эълон қилди. Лекин ҳужум бошланишини кутмай, Қонун чиқарувчи мажлис уруш бошлаб юборади. Франция кўшинлари қатъий ҳаракат қилмаганликлари сабабли Австрия кўшинлари бостириб кириб бир қанча қўрғонларни ишғол қилади.

Франция халқи инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилиш учун интервенциячиларга қарши одилонга уруш бошлади. Инқилобга таҳлика солиб турган даҳшатли хавф бутун мамлакатда ватанпарварлик тўлқинини жўш урдириб юборди.

Жирондистлар халқдан кўрқар ва қирол билан тил бириктиришга умид қилар эдилар.

Монархияга қарши курашга инқилобчи клублар, газеталар, Париж секциялари бошчилик қилдилар.

Париж ишчи ва ҳунармандлари ўртасида инқилобнинг тақдири учун ташвиш кучайди. Деҳқон ғалаёнларининг янги тўлқини бошланди. Республика эълон қилиниши учун агитация олиб борилди. Ўша пайтда сиёсий партиялар йўқ эди. Улар ўрнида клублар ташкил қилинган эди. Клублардан энг каттаси Яков монастирида йиғилиб турувчи клуб, якобинчилар клуби асосий ўринни эгаллар эдилар.

Австрия ва Пруссия кўшинларининг интервенцияси вақтида Парижнинг шарқий секторини Якобинчилар монархияга қарши курашишга отланишга чақирди. Париж коммунасининг янги инқилобий кенгашни – Париж санкюлотларидан янги инқилобий муниципалитет сайлайдилар.

Ажнабий континқилобий туғённи жадаллаштирди. 1792 йил 10 августда халқ саройига бостириб киргандан сўнг, Қонун чиқарувчи мажлис қиролни ҳокимиятдан четлашишга ва оиласи билан қамаб қўйишга мажбур бўлди.

Шу тариқа халқ инқилобнинг асосий кучи эканини яна кўрсатди. Монархиянинг ағдалиши инқилобнинг янги даврини бошлаб берди.

Монархия ағдариб ташлангандан кейин миллий конвентга сайлов тайинланди, у конституцияни қайтадан кўриб чиқиши керак эди. Мулк цензи бекор қилинди, сайловчиларнинг ёши 21 ёшга келтирилди.

Душманни қайтариш энг зарур иш бўлиб келди. Армияга кўнгиллиларни чақира бошладилар. 1792 йил 20 сентябрда Пруссия пиёда кўшинига қаттиқ зарба бериб, мамлакатдан қувиб чиқилди.

1792 йил 21 ноябрда конвент очилди ва бир кундан кейин Францияни Республика деб эълон қилди. Конвентга буржуазия вакиллари кирди. Аввалига конвентда раҳбарлик мавқеини жирондистлар эгаллашди. Улар республика учун овоз берсалар ҳам, бироқ йирик мулкдорлар манфаатларидан хавфсираб, инқилобнинг янада ривожланишига тўсқинлик қилишга уриндилар.

Халқ қуйи табақаларининг инқилобни ҳаракатлантирувчи куч тарзида роли кучайди. Париж коммунаси ва унинг инқилобий секциялари санкюлотлар – оддий кишилар, ҳунармандлар, ишчилар, майда дўконлар оммасининг манфаатларини ифодалар эдилар. Секцияларнинг намоёндалари ва халойиқ конвентни қуршаб олиб, ўз талабларини ўртага қўйдилар. Улар қиролни қатл этилишига эришдилар. Якобинчилар халққа таяниб, қиролнинг конвент судига берилишига муваффақ бўлдилар. 1793 йилнинг январида Людовик XVI чининг калласи олинди.

Қиролнинг қатл этилиши монархпараст ҳукуматларни саросимага солиб қўйди. Австрия билан Пруссиянинг иттифоқига Англия билан Испания ҳам қўшилди.

Шу пайтда армияда етишмовчиликлар оқибатида жирондист-генераллар хиёнатчи бўлиб чиқди. 1793 йилнинг баҳорида Австрия кўшинлари Франция армиясини мағлубиятга учратди. Мамлакат тепасида яна интервенциячилар босқини хавфи пайдо бўлди. Бу эса ҳарбий муваффақиятсизликлар учун жавобгар бўлган жирондистларнинг нуфузига сезиларли путур етказди.

Якобинчилар жирондистларнинг ҳаракатларини фoш қилиб ташладилар. Пойтахтнинг шарқий секциялари жирондистларни конвентдан ҳайдаб юборишни талаб қилдилар.

Энг инқилобий буржуазия юилан санкюлотлар оммасининг якобинчилар ва Париж коммунаси теварагида жипслашуви конвентда жирондистларнинг ҳукмронлигига қарши халқ ғўзғолонини жадаллаштирди.

1793 йил 31 май куни Парижнинг турли худудларида халқ оммасининг ғалаёнлари бошланди. 2 июнга ўтар кечаси миллий гвардия отрядлари конвентни кўршаб олди ва жирондистларни конвентдан қувиб чиқиб, айримларини қамоққа олди.

1793 йил 31-2 июн халқ кўзғолони инқилобнинг учинчи даври-якобинчилар буржуа инқилобий-демократик диктатураси даври олий даражада юксалиши бошланганидан дарак берди. Ҳокимият демократик кучларга-кенг халқ оммасига, шаҳар аҳолиси ва деҳқонларнинг қуйи табақаларига таянувчи энг инқилобий буржуазия қатламлари қўлига ўтди.

Инқилобга жуда катта хавф-хатар, таҳлика солиб турган бир пайтда якобинчилар диктатураси ўрнатилди.

1793 йил июнида янги конституция қабул қилиниб, унда халқнинг раҳбарлигини ва одамларнинг ҳуқуқлари тенглигини эълон қилди. Франция яхлит ва бўлинмас республика эканлиги билдирилди. 21 ёшга етган эркакларга, миллий аҳволдан қатъи назар, сайлов ҳуқуқи берилди. Босқинчилик урушлари қораланди. Якобинчиларнинг конституцияси 1791 йилги мўътадил конституцияни анча орқада қолдириб кетди ва кўпгина мамлакатларнинг буржуа инқилобчилари учун намуна бўлиб хизмат қилди. Бироқ конституция йирик мулк учун ҳеч қандай чегара жорий қилмади, унинг буржуача характери мана шунда намоён бўлди.

Якобинчилар инқилобий ҳокимият ўрнатилганлигини, инқилобни қутқариб қолиш бу ҳокимиятнинг вазифаси эканлигини эълон қилдилар. 1793 йилнинг ёзида бутун ҳокимият Конвент сайлаган ижтимоий нажот комитети қўлига ўтди.

Континқилобчиларга қарши курашиш ва уларни жазолаш учун «Умумий хавфсизлик комитети» кучайтирилди, инқилобий трибунал фаолияти кенгайтирилди.

Якобинчиларнинг тадбирлари натижасида ерларни муҳожирга кичик-кичик участкалар тарзида ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишга ижозат берилди. Барча феодал тўловлар ва мажбуриятларни тўловсиз, бутунлай 1793 йил июлда қабул қилинган декрет билан тугатдилар. Якобинчилар диктатураси қишлоқда феодал тартибларини узил-кесил бекор қилди ва XVIII аср француз инқилобининг асосий масаласини-деҳқонлар қўлидаги

ерларнинг феодал мулки эканлигини тугатиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этди.

Қиролича Мария-Антуанетта, Вандеялик ва Лионлик котринкилобчиларнинг бошлиқлари қатл этилди. Инқилобий террор оқланди.

Армияга йигитларни оммавий равишда қабул қилиш ўтказилганлиги яacobинчиларнинг жуда катта хизмати бўлди.

1794 йилнинг бошларида Франция иттифоқ кўшинларидан тозаланди. 1794 йилнинг июнида Белгиянинг Флерюс қишлоғи ёнида инқилобий Франция кўшинлари Австрия армиясининг асосий кучларини тор-мор қилдилар.

Франция ички ва ташқи континкилобчилардан қутулгандан сўнг, яacobинчилар орасида ички зиддиятлар кескинлашди, уларнинг камбағаллар орасидаги таъсири камайди.

Яacobинчилар халққа кўп масалаларда ён берган бўлишларига қарамай, буржуа инқилобчилари бўлиб қолавердилар. Улар контринкилобчиларгина эмас, шу билан бирга камбағалларнинг бойларга ва чайқовчиларга қарши чиқишларига ҳам зарба бердилар. Яacobинчиларнинг ҳукумати шаҳарлар ва қишлоқ камбағалларининг талабларини қондиришга рози бўлмадилар.

Яacobинчиларнинг ҳар хил ваъдаларининг бажарилмаслигидан шаҳар ва қишлоқ камбағалларининг норозилиги 1794 йил кўкламига келиб кучайиб кетди. Феодаллар ҳукмронлиги ўрнини буржуа ҳокимияти эгаллаётганини кўрган камбағалларнинг ташвиши ошиб, хавфсаласи пир бўлди.

Буржуазия капиталистик соҳибкорликнинг тўла эркинлигини астойдил истар эди. Конвент ичида контринкилобий исён вужудга келди. Фитначилар инқилобий урушни босқинчилик урушига айлантиришга интилдилар. Лекин уларга қарши чиқиляётганлигини сезгач, улар дадил ҳаракат қила бошладилар. 1794 йил 27 июлда Конвентда шовқин-сурон кўтариб, ўзларига қарши бўлган яacobинчи Робеспьернинг гапиришига имкон бермадилар. Сўнгра эса Робеспьер билан унинг тарафдорларини қамоққа олиб, уларни қонундан ташқари, деб қарор қабул қилинишига муваффақ бўлдилар.

Камбағалларнинг раҳбарлари қатл этилгач, Париж Коммунаси заифлашиб қолган эди, шу сабабли у 9 термидор континкилобий тўнтаришига қаршилиқ қила олмади. Эртаси Робеспьер ва унинг тарафдорлари қатл қилинди. Яacobинчилар диктатураси йиқилди. Ҳокимият халқ оmmasига қарши чиққан «янги бойлар» кўлига ўтди. Француз буржуа инқилобининг юксалиши ниҳоясига етди.

1789-1794 йиллардаги француз инқилоби феодаал апсолютизм тузумини йўқотди. Англиядаги XVII аср инқилоби эса буржуазиянинг дворянлари билан мурасага келиши билан тугаган, дехқонларнинг феодаал мажбуриятларини ва дворянларнинг имтиёзларини бекор қилмаган эди. Франциядаги инқилоб бир мунча изчил бўлди ва унда халқ оммаси анча кенг ва катта миқёсда қатнашди.

К Маркс француз инқилобида буржуазия «халқ билан иттифоқ бўлиб, монархияга, дворянларга ва ҳукмрон черковга қарши курашди», деб ёзган эди.¹

Якобинчилар феодаал тартибларга қарши энг кескин чораларни кўрдилар. Улар феодаал мажбуриятларни тўла-тўқис, тўловсиз бекор қилдилар. Илгариги сенъорларга қарам бўлган дехқонлар, эркин майда мулкдорларга айландилар. Аммо ерларнинг кўп қисми бойларнинг қўлида қолди.

Якобинчилар феодаал тузумга қарши халқ билан бирга курашганликлари ва уларнинг кўпгина талабларини қондирганликлари, уларнинг буржуа инқилоблари сифатидаги асосий хизмати бўлди.

Халқ оммаси XVIII аср франция инқилобининг асосий ва ҳал қилувчи кучи бўлди. Халқ ўз талаблари билан инқилобий ўзгартиришларга из қолдирди. Шу сабабли инқилоб яққол ифодааланган буржуа – демократик характериға эға бўлди.

Халқ оммасининг фаол роли ва буржуазия энг инқилобий қатламларнинг халқ билан иттифоқ туфайли француз буржуа инқилоби кўтарилиш йўлидан ривожланди.

Инқилоб феодаал – абсолютизм тузуми ўрниға капиталистик тузумни, феодаал ер мулкчилиги ўрниға буржуа мулкчилигини ўрнатди.

Якобинчилар контринқилобларға қарши курашда халқ мададиға таяндилар, аммо улар камбағалларнинг харакатини бостира бошлагач, халқ оммаси уларни қўллаб-қувватламай қўйди, шунда йирик буржуазия якобинчиларни ағдариб ташлади.

Буюк француз буржуа инқилоби жаҳоншумул – тарихий аҳамиятға эға бўлди. У Европадаги абсолютизм ва феодализмға жуда кучли зарба берди, шундан кейинги инқилобларнинг арбобларига, жаҳон тарихининг бундан буёнға боришиға катта таъсир ўтказди.

В И Ленин 1789-1794 йилги француз буржуа инқилобида шундай деган эди: Буюк француз инқилобини олинг. Унинг буюк

¹ Маркс К, Энгельс Ф. Асарлар, М., 2-нашри, 6-том, 114-бет.

деб аталиши бежиз эмас. У ўз синфи учун, ўзи хизмат қилган синф учун, яъни буржуазия учун шундай кўп иш қилиб бердики, бутун XIX аср, бутун инсониятга цивилизация ва маданият берган аср француз инқилобий белгиси остида ўтди. Бу асрнинг дунёнинг ҳамма жойларига доимо қилган иши шу бўлдики, у эркинлик, тенглик ва биродарлик тўғрисидаги сўзлар билан ниқобланиб, буни ўзлари англамаган бўлмасаларда. Буржуазиянинг манфаатларига хизмат қилган буюк француз буржуа инқилоблари томонидан вужудга келтирилган нарсаларни алоҳида-алоҳида амалга оширди, рўёбга чиқарди, ниҳоясига етказди.¹

Шу билан бирга XVII аср француз буржуа инқилоби синфий жиҳатдан чекланган, буржуача характерда эди, у ёлланма меҳнатни капиталистик эксплуатация қилиш асоси сифатида ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилигини мустаҳкамлади.

2. Франциянинг 1791 йилги Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва асосий қоидалари.

Миллий таъсис мажлисининг охирги ижоди бу 1791 йилги Конституция бўлди. Бу конституция дастлаб қирол қаршилигига учради ва қабул қилинмади, лекин қирол уни тазйиқ остида қабул қилишга мажбур бўлди ва 1791 йил 3 сентябрда имзолаши билан қабул қилинди.

Бу Конституция кириш қисми, 3та қисм ва 7 бўлимдан иборат эди. Кириш қисмининг ўзи 2 бўлимдан иборат бўлиб, у ўз ичига 1789 йилги «Инсон ва гражданнынг ҳуқуқлари декларациясини» ва «ҳуқуқлар кафолати» деб номланган бўлимдан иборат эди.

Буржуазияга 2 йил муддатга сайланадиган қонун чиқарувчи ҳокимият «миллий мажлис» ва халқ томонидан сайлаб қўйиладиган судьяларга суд ҳокимияти тегди. Феодалларнинг таянчи бўлган қиролга эса ижроия ҳокимияти тегди. Шу билан абсолют монархия тугатилиб, конституцион монархия ўрнатилди.

Қирол энди конституцияга бўйсунар эди.

Олдинги ҳолатда Францияда монарх мутлақ ҳуқуқга эга эди. У буйруқ беришга ва ҳеч қандай қонунга бўйсунмасдан, ўз хоҳишича қонун чиқарарди. Конституциянинг қабул қилиниши билан қирол эркин аъзо бўлмасдан, балки тақиқланган аъзога айланди. Шунинг учун, қиролнинг ўрнини сайланувчи ҳокимият босади. Қирол билан бошқа давлат органи қарама-қарши туради. Буни биз

¹ Ленин В И «Эркинлик ва тенглик шиорлари билан халқни алдаш тўғрисида» сўзланган нутқнинг сўзбошиси.

Тўла асарлар тўплами. 38-том, 428-бет.

конституциянинг қабул қилиниши, қиролнинг мақоми ва давлат органларининг иш фаолияти тўғрисидаги меъёрларда кўрамиз.

3. Франциянинг 1791 йилги Конституциясига биноан Франциянинг давлат тузуми

Франциянинг 1791 йилги конституциясига биноан мамлакатда конституцион монархия ўрнатилди. Давлат тепасида қирол турган, лекин унинг ҳуқуқлари конституция билан чеклаб қўйилган эди. Давлат бошлиғи бўлиш билан айна вақтда у ижроия ҳокимият бошлиғи ҳисобланиб, министрлар билан биргаликда иш юритган. У якка ҳолда министрларни тайинлаган, ишдан бўшатган ва иш фаолиятини назорат қилиб турган, лекин қирол қонунчиликташаббусидан тўлиқ фойдалана олмас эди. У конституциясига асосланган ҳолдагина фармойишлар, буйруқлар чиқарган.

Мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимият миллий мажлисга тегишли бўлиб, у икки йилга тўғридан-тўғри ёки эгри сайлов ҳуқуқи асосида сайланиб қўйилган. Унинг таркибига 745 депутат кирар эди. Миллий мажлис қонун ва бюджетни қабул қилади, солиқлар миқдори ва уларнинг ҳаражатларини тасдиқлайди, халқаро шартномаларни тасдиқлайди, уруш эълон қилади. Улар ўз хоҳиши билан йиғилар, яъни қирол хоҳиши билан йиғилмас эди. Миллий мажлисни ҳеч ким тарқатиб юбора олмас эди ва унинг қарорлари, қонунларига қирол тўлиқ вето ҳуқуқини қўллаш олмас эди.

Суд ҳокимияти халқ томонидан сайлаб қўйиладиган судьяларга тегишли эди.

Мамлакат 83 та департаментга бўлиниб бошқарилган. Департаментлар ҳам ўз навбатида округларга ва кantonларга бўлинган. Ҳар бир маҳаллий бошқарув органи, муниципалитет, тепасида қирол томонидан тайинланадиган бошлиқлар турган.

Хулоса

1789- 1794 йиллардаги француз инқилоби феодал абсалютизм тузумини йўқотди. Англиядаги XVII аср инқилоби буржуазиянинг дворянлар билан мурасага келиши билан тугаган, деҳқонларнинг феодал мажбуриятларини ва дворянларнинг имтиёзларини бекор қилмаган эди. Франциядаги инқилоб бирмунча изчил бўлди ва унда халқ оммаси анча кенг ва катта миқёсда қатнашди. Халқ оммаси XVIII аср француз инқилобининг асосий ва ҳал қилувчи кучи бўлди. Халқ ўз талаблари билан инқилобий ўзгартишларда из қолдирди. Шу сабабли инқилоб яққол ифодаланган буржуа демократик характериға эға бўлди. Бу инқилоб кўтарилиш йўлидан ривожланди, яъни уч босқичда рўёбға чиқди.

Инқилоб феодал тартибларни йўқ қилди, ҳамда саноат, савдо ва қишлоқ хўжалигини тез ривожлантириш йўлини очди. У феодал – абсалютизм тузуми ўрниға капиталистик тузумни, феодал ер мулкчилиги ўрниға буржуа мулкчилигини ўрнатди.

Буюк француз буржуа инқилоби жаҳоншумул – тарихий аҳамиятға эға бўлди. У Европадаги абсалютизм ва феодализмға жуда кучли зарба берди, шундан кейинги инқилобларнинг арбобларига, жаҳон тарихининг бундан буёнға боришиға катта таъсир ўтказди.

XVIII аср француз буржуа инқилоби арафасида франция халқи ўз ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилиб, уларға эришдилар. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари 1789 йил қабул қилинган «Инсон ва гражданнын ҳуқуқлари декларацияси» ва 1791 йилги Конституцияда ўз ифодасини топди. Бу конституция халқ манфаатини ҳимоя қилиш билан бирға, қиролнинг ҳокимиятини чеклаб қўйди. Қирол энди халққа, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши ҳаракат қила олмас эди. Бу эса халқнинг катта ютуқларидан бири эди. Лекин бу конституция Франция мустамлакаларида ҳараркат қилмас эди. У ерларда халқларнинг ҳуқуқлари поймол қилиниб, қулдорчилик сақланиб қолаверди. Лекин шунға қарармай, 1791 йилги Конституция Франциянинг кейинги конституцияларини, нафақат франция. Балки бошқа Европа мамлакатларига конституцияларини қабул қилишда катта ёрдам кўрсатиб, асосий манба бўлиб қолди.